

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚУРИЛИШНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ШАҲАРСОЗЛИК
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАРКИБИ, ИШЛАБ ЧИҚИШ,
КЕЛИШИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
ЙЎРИҚНОМА**

ШНҚ 1.03.02 -04*

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ 2009

УДК 711.744.41 (083.133)

ШНҚ 1.03.02-04* «Худудларни ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик хужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома». Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси – Тошкент 2009*й. 127 б

Ишлаб чиқилган ва киритилган: «ТошкентбошпланЛИТИ»

Қўшимчалар ва ўзгартиришлар Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти томонидан киритилган.

Тасдиқлашга тайёрлади: Ўзбекистон Республикаси
“Давархитектқурилиш” қўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси
(Ш.Т.Шоназаров, Х.Х.Очилов)

ШНҚ 1.03.02-04* «Худудларни ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик хужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» кучга кириши билан ШНҚ 1.03.02-04 «Туман режаси, шаҳарлар, шаҳар қўрғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қурилишининг таркиби, схема ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» ўз кучини йўқотади.

Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг рухсатсиз тўлиқ ёки қисман акс эттирилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилиш)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 1.03.02-04*
	Худудларни ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома	ШНҚ 1.03.02-04 нинг ўрнига

І .УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «Йўриқнома*» Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ҳудудининг қисмларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктларини ривожлантиришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркибини, уларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартибини қатъий белгиловчи меъёлар ва қоидаларни ўз ичига олади (қуйида – шаҳарсозлик ҳужжатлари).

«Йўриқнома» талаблари Ўзбекистон Республикасидаги барча шаҳарсозлик фаолиятининг субъектлари учун мажбурий ҳисобланади.

2. Мазкур «Йўриқнома»да кўзда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек архитектура ва шаҳарсозлик, экология ва республиканинг ер хўжалиги тузилиши соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

3*. Мазкур «Йўриқнома»да Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг қуйидаги турлари кўзда тутилган:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳоли жойлаштирилишининг бош схемаси;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемаси;

в) ўз ичига икки ёки ундан ортиқ вилоятлар ҳудуди ва ўзга ҳудудларни олган Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг қисмларини ривожлантиришни режалаштириш схемаси (кейинчалик – шаҳарсозликни режалаштиришнинг бирлашган схемаси);

г) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, ҳудудининг қисмлари ва аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг тармоқли схемаси;

д) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемаси,

“Давархитектқурилиш” қўмитасининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси ва Самарқанд давлат архитектура- қурилиш институти томонидан киритилди	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «23» декабр 2009 йил 128-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Кучга кириш муддати 2009 йил 28 декабрдан
---	--	--

* Ушбу белги ШНҚнинг аввалги таҳририга киритилган янги ўзгаришларни ифодалайди.

е) туманни (туманлар гуруҳини) режалаштириш лойиҳаси;

ж)* ушбу банд ШНҚ 1.03.10 – 06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини режалаштириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш режалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келиши ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги “Йўриқнома” муомалага киритилиши муносабати билан ўз кучини йўқотади;

з) шаҳар агломерацияси ҳудудини режалаштириш лойиҳаси;

и) аҳоли пунктининг бош режаси (аҳоли пункти бош режасига тузатиш киритиш);

к) батафсил режалаштириш лойиҳаси;

л) иморатлар солиш лойиҳаси;

м) иморатлар қуришни тартибга солиш чегаралари лойиҳаси;

н) шаҳар (қўрғон) чегараси лойиҳаси;

Маҳсус топшириққа мувофиқ ҳудуд ва аҳоли жойларида шаҳар қурилишини ривожлантиришни бошқариш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида ҳудудларни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг ўзгача турлари ҳам белгиланиши ва ишлаб чиқилиши мумкин, хусусан:

а) Ўзбекистон Республикасини функционал зоналаштириш ва табиатидан фойдаланиш бош схемаси;

б) курорт-рекреация минтақаси ҳудудини режалаштириш лойиҳаси;

в) аҳоли пунктининг бош режаси схемаси (шаҳарсозликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари);

г) қурилишни биринчи навбатга жойлаштириш лойиҳаси;

д) саноат узеллари, лойиҳалаштирилаётган саноат корхоналари бош режаси ҳамда саноат районларида мавжуд бўлган иморат қурилишларини тартибга солишнинг схема ва лойиҳалари;

е) аҳоли пунктлари ҳудудларини хавfli геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя қилиш схемаси;

ж) ҳудуднинг муҳандислик тайёрлови бўйича тадбирлар схемаси;

з)* фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар схемаси;

и) табиатни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий комплекс схемалар;

к) маданий мерос объектлари жойлашуви бўйича схема-хариталар;

л) аҳоли пунктларининг тарихий-меъморий таянч режалари;

м) аҳоли пунктларида яшил зоналарни ташкил этиш лойиҳалари;

н) аҳоли пунктларини микро-сейсмик-районлаштириш хариталари ва бошқалар.

4. Шаҳарсозлик ҳужжатлари буюртмачи томонидан берилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг архитектура ва қурилиш бўйича бошқарув органлари, шунингдек бош шаҳарсозлик лойиҳа ташкилоти билан келишилган шартнома ва топшириқ асосида лойиҳа ташкилоти (ишлаб чиқувчи) томонидан ишлаб чиқилади.

5*. Ижроия ҳокимиятнинг тегишли органлари, шунингдек,

алоҳида шартлар, талаблар мавжуд бўлганида ва ижроия ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш учун (тўпланадиган) маблағга эга бошқа юридик шахслар давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобига ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатларининг буюртмачилари ҳисобланади.

Қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини меъморий-режавий ташкиллаштириш лойиҳаларининг буюртмачилари ШНҚ 1.03.10-06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалашрежалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг 4-бандида белгиланган.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳудудларда иморат қуриш лойиҳаларининг буюртмачилари ҳисобланиб, ушбу ҳудудлардаги қурилиш ишлари уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

6. Буюртмачи шартномада белгиланган муддатларда лойиҳалаштириш учун зарур бошланғич маълумотлар тайёрланишини таъминлайди. Бошланғич маълумотларнинг ҳақиқийлиги учун буюртмачи ва ташкилот, корхона ва шу маълумотларни буюртмачи билан шартнома асосида тақдим этган бошқа юридик шахс жавобгар бўлади.

Буюртмачи томонидан топшириқ ёки бошланғич маълумотларнинг ўзгартирилиши ишлаб чиқувчи билан шартномавий муносабатларга тегиш-

ли ўзгаришларни киритишга олиб келади.

Буюртмачи топшириқни тайёрлашни архитектура ва шаҳарсозлик органларига ёки шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчига топшириши мумкин.

* Шунингдек буюртмачи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчига лойиҳалаштириш учун бошланғич маълумотларни йиғишни ҳам топшириши мумкин. Топшириқ ва бошланғич маълумотларни тайёрлаш ҳамда ушбу ишларни молиялаштириш шартлари шартномада кўрсатилади.

Зарур ҳолатда, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш топшириғида лойиҳа олди, шу жумаладан илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш кўзда тутилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш топшириғига қўйилган умумий талаблар ва бошланғич маълумотлар рўйхати 1-5 Иловаларда келтирилган.

7. Мазкур “Йўриқнома”да кўзда тутилмаган шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ҳажми, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби, шунингдек шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартибига киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш топшириғида белгиланади.

8. Буюртмачи шаҳарсозлик фаолияти объектларини тадқиқ қилишда, бошланғич маълумотларни йиғишда, мувофиқлаштириш

ва экспертиза ишларини ўтказишда, шунингдек тугалланган шаҳарсозлик ҳужжатларини тасдиқлаш учун ҳужжатларни тайёрлашда лойиҳа ташкилотига ёрдам беради.

Буюртмачи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнини назорат қилиш, лойиҳаларнинг эскиз материалларини уларнинг сифатини назорат қилиш мақсадида кўриб чиқиш, икки томонлама ҳужжатларни мажбурий тарзда расмийлаштирган ва лойиҳа маҳсулотининг бажарилган ҳажми учун лойиҳа ташкилоти билан тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда лойиҳа ишларини тўхтатиб қўйиш ёки буткул тўхтатиш, белгиланган тартибда лойиҳа материалларининг экспертизасини ўтказиш ҳуқуқига эга.

9. Лойиҳа ташкилотининг вазифаларига қуйидагилар киради:

а) лойиҳа ишларини бажариш тўғрисидаги шартномани тузиш ва уни буюртмачига тақдим этиш;

в) буйруқ асосида лойиҳа бош архитектори ва бош муҳандисини тайинлаш, муаллифлик жамоасини тасдиқлаш;

г) лойиҳалаштириш жараёнига режалаштириш ва иморатлар қуришнинг илғор усулларини жорий этиш, шаҳарсозлик ва техник ечимларнинг юқори сифатини, уларнинг асосланганлигини ва амалий меъёрларга мувофиқлигини, ҳудудлардан самарали фойдаланишни, захираларни максимал даражада тежашни, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;

д)* шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқни бош шаҳарсозлик лойиҳа институти ва Ўзбекистон Республикаси

“Давархитектқурилиш” кўмитаси билан мувофиқлаштириш.

10*. Лойиҳа ишларини бажариш даврида лойиҳалаштирилаётган ҳудудда жорий қурилиш учун ер ажратиш билан боғлиқ барча масалалар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тезкор тарзда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқаётган лойиҳа ташкилоти билан келишилиши лозим. Лойиҳа ташкилотидан шаҳарсозлик фаолияти объектини жойлаштиришга розилик олинганидан кейин маҳаллий ҳокимият органлари ер ажратиш бўйича тегишли қарорни қабул қилади.

11. Мазкур “Йўриқнома”да кўзда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари тегишли фаолият турини бажаришга лицензияси бор ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

12. Мазкур “Йўриқнома”да кўзда тутилган шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турларини ишлаб чиқиш жараёнида маданий мерос объектлари ва ноёб табиат объектларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш бўйича талаблар бажарилиши шарт.

13*. Шаҳарсозлик ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар 6-Иловада келтирилган.

Иловаларда келтирилган шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқариш топшириғи ва уларни расмийлаштириш ишлари ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларга қўйиладиган талабларга маҳаллий шароитларга қараб аниқлик киритилиши ва тўлдирилиши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳрининг ноёблигини ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ва уларни ишлаб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан тасдиқланган расмий йўриқнома билан қатъий белгиланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА АҲОЛИ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИНING БОШ СХЕМАСИ

15. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳоли жойлаштирилишининг бош схемаси (куйида – аҳоли жойлаштирилишининг Бош схемаси) аҳолини жойлаштириш бўйича давлат шаҳарсозлик сиёсати ва аҳоли пунктларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишнинг устувор йўналишларини асослаб берувчи мунтазам амалда бўлган ва янгиланадиган ҳужжат ҳисобланади. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси ўзида тармоқли ва ҳудудий ёндашувларни, аҳолини жойлаштиришни такомиллаштиришнинг ижтимоий, демографик, экологик ва иқтисодий жиҳатларини бирлаштирган ҳолда комплекс тизимли характерга эга.

16. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси материаллари асосида ҳудудларни режалаштириш схема ва лойиҳалари, аҳоли пунктлари ва улар гуруҳларининг бош режалари, транспортни ривожлантириш, муҳандислик таъминотининг тармоқли схемалари ва шаҳарсозлик ҳужжатларининг бошқа турлари ишлаб чиқилади, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва

жойлаштириш дастурлари (схемалари) билан ўзаро алоқа амалга оширилади.

17. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси 50 йилдан иборат ҳисобий муддатга ишлаб чиқилади, бунда яқин 10 ва 25 йилга мўлжалланган уни амалга ошириш босқичлари ажратилади.

18*. Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасига тегишли лойиҳа материалларининг таркиби 7-Иловага мувофиқ равишда қабул қилиниши керак.

19*. Асосий график чизмаларда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

а) аҳолини жойлаштиришнинг шаклланган тузилмаси (Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар чегаралари, вилоятларнинг марказий шаҳарлари ва йирик шаҳарлар, темир йўл линиялари, автйўллар, аэропортлар, дарёлар, кўллар, каналлар, сув омборлари, аҳолини жойлаштириш зоналари, шу жумладан аҳоли пунктлари ўртасида барқарор тизимли алоқалари мавжуд бўлган аҳоли жойлаштирилишининг асосий минтақалари, асосан автоном-марказлар шаклидаги жойлаштириш зоналари, аҳолини жойлаштиришнинг бош режалаштириш ўқлари, рекреацион ҳудудлар, ноёб табиат объектлари);

б) яшаш ва хўжалик фаолиятини юритиш шароитлари (табiiй-экологик шароитлар, техник-муҳандислик инфратузилмаси ва транспортнинг ривожланиш даражасини, меҳнат билан бандлик ҳамда ижтимоий-турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда

ҳудудларни қулайлик даражаси бўйича зоналаштириш);

в) комплекс муаммоли ареаллар (кескин экологик вазиятли, меҳнат захиралари ортиқча бўлган, техникавий-муҳандислик, транспорт, ижтимоий-маиший инфра-тузилмасининг ривожланиш даражаси бўйича қолоқ районлар, экологик, ижтимоий ва иқтисодий вазиятлари кескин бўлган аҳоли пунктлари);

г) аҳолини жойлаштиришнинг ҳудудий салоҳияти (ҳудудларни ландшафт-иқлим, муҳандислик-геологик, гидрогеологик, сейсмик, экологик, табиатни муҳофаза қилиш, режалаштириш ва бошқа шароитлар бўйича шаҳарсозлик нуқтаи назарида ўзлаштириш учун турли яроқлилик даражасига қараб тақсимлаш);

д) шаҳарсозликни ривожлантиришнинг тузилмавий модели (Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар чегаралари, аҳолини жойлаштириш макрозоналари, ҳудудда шаҳарсозликни ривожлантиришнинг бош режалаштириш ўқлари ва йўналишлари, аҳолини жойлаштиришнинг асосий истиқболли минтақалари, автоном-марказ шаклида жойлаштириш ареаллари, асосий ер усти транспорт йўналишлари, аҳолини жойлаштиришнинг таянч марказлари, аҳоли жойларининг гуруҳли тизимлари, жуда йирик ва йирик агломерациялар, йирик рекреацион тизимларнинг шаклланиш ареаллари, ноёб табиат объектлари);

е) аҳолини жойлаштиришнинг режавий ташкил этилиши (Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар чегаралари, аҳолини жойлаштириш тизимининг таянч каркаси, жуда

йирик, йирик ва катта шаҳарлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини истиқболли жойлаштиришнинг ўзаро боғланган катта ареаллари, шаклланиб бўлган ва шаклланаётган агломерациялар, режали ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, шаҳарсозликни ривожлантиришнинг энг фаол ареаллари, магистраль транспорт коммуникациялари, табиати муҳофаза қилинадиган қимматли ва рекреацион ҳудудлар, ноёб табиат объектлари);

ж) транспорт-коммуникация таянч тизими (давлат аҳамиятига эга бош автойўллар; Ўзбекистон автойўл тармоғининг чегарадош давлатлар билан интеграциясини таъминловчи ҳалқаро ва трансконтинентал аҳамиятга эга автойўллар; аэропортлар, дарё ва денгиз бандаргоҳлари; трансконтинентал, умумдавлат ва регионал аҳамиятга эга темирйўл магистраллари; умумдавлат аҳамиятига эга йирик транспорт узеллари; чегара яқинидаги транспорт узеллари, трансконтинентал алоқаларнинг истиқболли йўналишлари, асосий ер усти муҳандислик иншоотлари ва коммуникациялари).

Асосий график материаллар таҳлилий схемалар билан тўлдирилиши мумкин, жумладан:

- аҳолининг жойлашиш зичлигини (ҳудудни 5 киши/км²дан кам - 100 ва ундан кўп кўрсаткичгача бўлган аҳоли зичлиги бўйича зоналаштириш), шунингдек катта, йирик ва энг йирик шаҳарлар зичлигини тақсимлаш схемалари;

- табиий-экологик яшаш шароитларининг схемалари (ҳудудларни ландшафт-экзоген ва геологик

жараёнлар, сейсмиклик даражаси, табиий муҳитнинг ўзини ўзи тозалаш салоҳияти, табиий муҳитнинг бугунги кундаги ифлосланиши ва бузилиши, сув, ўрмон ва минерал-хомашё захираларининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда яшаш учун қулайлик даражаси бўйича зоналаштириш);

- табиий захиралар ва улардан фойдаланиш схемалари (ер, сув, ўсимлик, минерал-хомашё ҳажмлари, тарқалиш ва ҳосил бўлиш ареллари);

- ҳудудлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш схемалари (ҳудудларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши турлари бўйича зоналаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш шароитлари ва захиралари);

- энергия билан таъминлаш шароитлари ва захираларининг схемалари (ёнилғи-энергетика захиралари, асосий энергетик иншоотлар ва магистраль коммуникациялар).

20*. Жойлаштиришнинг Бош схемасига илова қилинувчи тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудларидаги шароитлар характеристикаси, жумладан:

- умумий характеристика;
- табиий-ландшафт шароитлар;
- ер ресурслари, уларнинг ҳолати ва фойдаланиш;

- муҳандислик-гелогик шароитлар;

- сув ресурслари;
- ўсимлик (ўрмон) ресурслари;
- фойдали қазилмалар;
- замонавий экологик вазият;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги инфратузилма ҳолати:

- транспорт инфратузилмаси;

- энергия билан таъминлаш тизими ва энергия захиралари;

- сув билан таъминлаш ва сув қочириш тизими;

в) замонавий жойлаштириш ишлари, жойлаштиришни ривожлантириш муаммолари ва шартлари:

- аҳоли жойлаштирилишининг тузилмаси ва майдон бўйича ташкиллаштирилиши;

- аҳолини жойлаштириш зичлигини тақсимлаш;

- аҳолини жойлаштиришнинг таянч марказлари;

- қишлоқда аҳолини жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари;

- истиқоматнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари;

г) ижтимоий-демографик шароитлар:

- демографик вазият (ҳолати ва прогнози);

- меҳнат захиралари;

- миграция жараёнлари;

д) аҳолини жойлаштиришнинг иқтисодий базиси:

- саноат;

- қишлоқ хўжалиги;

-техник-муҳандислик

инфратузилмаси;

- транспорт;

е) аҳолини жойлаштиришнинг геосиёсий шароитлари:

- чегара районларда жойлаштириш;

ж) аҳолини жойлаштиришни майдон бўйича ташкиллаштириш концепцияси:

- ҳудудни функционал ташкиллаштириш;

- аҳолини жойлаштиришнинг урбанистик тузилмаси;

- ареаллар ва жойлаштириш қарқаслари;

з) аҳолини жойлаштиришнинг режавий ташкиллаштирилиши:

- урбанизация зоналари;
- таянч каркаси ва жойлаштиришнинг таянч марказлари;
- транспортни ташкил қилиш;
- муҳандислик таъминоти тизими;
- ландшафт-рекреацион зоналар;
- резерв зоналар;

и) аҳолини жойлаштириш бўйича шаҳарсозлик сиёсатининг асосий қоидалари:

- аҳолини жойлаштиришнинг тарихий шаклланган тузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари;

- аҳолини жойлаштириш тизими фаол шакллантириш учун шаҳарсозлик шарт-шароитларини яратишнинг режалаштириш бўйича жиҳатлари;

- яшаш шароитларини тенглаштириш ва яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари;

- аҳолини жойлаштиришнинг ҳудуддаги захиралардан фойдаланиш, яшаш муҳитининг кулайлигини ошириш, захираларни тежаш ва хўжалик-иқтисодиёт фаолиятини экологизациялаш борасидаги экологик жиҳатлари;

- аҳолини жойлаштириш бўйича шаҳарсозлик сиёсатини амалга оширишнинг қонуний-меъёрий таъминотини ва истиқомат қилиш жойини эркин танлашни изчил амалга оширишни кўзда тутувчи ҳуқуқий жиҳатлар.

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг Бош схемасига тегишли графикали ва матнли материаллар шаҳарсозликни режалаштириш бўйича компьютер технологиялари асосида бажарилиши

ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда аҳолини жойлаштириш бўйича мониторингни юритиш мақсадларида буюртмачига электрон ташувчиларда (рақамли модель кўринишида) берилиши керак.

22. Аҳолини жойлаштиришнинг Бош схемаси тасдиқланганидан кейин 10-15 йилдан сўнг унга тузатишлар киритилади.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ СХЕМАСИ

23. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемаси, уни функционал зоналарга тақсимлаган ва уларнинг ҳар бири доирасида ҳудуддан фойдаланиш бўйича шаҳарсозлик режимини ўрнатган ҳолда, табиий, демографик, иқтисодий, рекреацион захиралар ва транспорт ҳамда муҳандислик инфратузилмаси имкониятларини комплекс баҳолаш, ҳудуднинг регионал табиий-иқлим, ижтимоий-иқтисодий, тарихий-маданий ва бошқа хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек муҳит хавфсизлиги ва экологик турғунлигини таъминлаш асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг оқилона режали ташкиллаштирилишини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемаси умумдавлат даражасидаги ҳудудий режалаштиришнинг тармоқли ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг Бош схемаси, саноат, қишлоқ, ўрмон ва сув хўжаликлари, транспорт, муҳандислик

тизимлари, рекреацион-сайёҳлик ва рекреацион-курорт тизимларини ривожлантириш-нинг ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва маданий мерос объектларининг тармоқли схемаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

24. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемаси яқин 10 ва 25 йиллик амалга ошириш босқичларига ажратилган ҳолда 50 йиллик ҳисобий муддатга ишлаб чиқилади ва у тасдиқланганидан кейин 10-15 йилдан сўнг тузатишлар киритилади.

25. Белгиланган тартибда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемалари ва лойиҳаларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларининг кейинги босқичларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

26. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемасининг лойиҳавий материаллари таркиби 8-Иловага мувофиқ равишда қабул қилиниши керак.

27. График чизмаларда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) Схемани ишлаб чиқиш бошланаётган пайтдаги ҳолат бўйича замонавий фойдаланиш ва функционал зоналаштириш схемаси:

- Республика, вилоятларнинг чегаралари;

- урбанизациялашган ҳудудлар (шаҳар аҳоли пунктлари кўпроқ жойлашган зоналар),

- қишлоқ хўжалик ҳудудлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудлари;

- саноат ҳудудлари, транспорт ва муҳандислик тизимлари, махсус вазифага эга ҳудудлар;

- рекреацион ҳудудлар (рекреацион-сайёҳлик ва рекреацион-курорт);

- табиати муҳофаза қилинадиган ҳудудлар (кўрикхоналар, заказниклар, миллий табиат боғлари, ўрмонлар ва фойдали қазилмалар жойлашган бошқа йирик майдонлар, сув тошадиган зоналар).

б) ҳудудни комплекс баҳолаш схемаси:

- ҳудудни омиллар мажмуи бўйича у ёки бу функциялар учун афзал ҳисобланган районларга тақсимлаш;

в) ҳудуднинг шаҳарсозлик ва иқтисодий нуқтаи назарида баҳола-нишининг схемаси:

- ҳудудни нисбий кўрсаткичларда баллар ёки қиймат индекслари кўринишида шаҳарсозлик ва иқтисодий қиймати бўйича зоналаштириш;

г) функционал зоналаштириш концепцияси:

- юқорида санаб ўтилган асосий функционал зоналарни жойлаштириш ва уларнинг мувозанатли, турғун ривожини таъминловчи ривожланиш йўналишлари;

д) ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштиришнинг ҳисобий муддатга мўлжалланган схемаси:

- ҳудуддан функционал фойдаланишни шаҳарсозлик бўйича тартибга солиш зоналарини ажратган ҳолда ҳудуддан бугунги кунда фойдаланиш ва функционал зоналаштириш схемасидаги шу элементларнинг ўзи (урбанизация-

лашган худудларни ривожлантириш, кам урбанизациялашган худудларни шаҳарсозлик нуқтаи назарида ўзлаштиришни рағбатлантириш ёки чеклаш, табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанат манфаатларини кўзлаган ҳолда урбанизациялашмаган худудларни шаҳарсозлик нуқтаи назарида ўзлаштиришни чеклаш ёки рағбатлантириш);

е) 10 ва 25 йилдан иборат оралиқ даврларга мўлжалланган худудни лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштириш схемаси:

- асосий схемадаги худди шу элементлар, аммо кўрсатилган даврларга мўлжалланган ривожланиш параметрларига мувофиқ равишда;

ж) оралиқ даврларга мўлжалланган функционал зоналар худудидан фойдаланиш режимлари схемаси:

- функционал фойдаланиш бўйича регламентациялар белгилаш (аҳоли яшаши ва ҳордиқ чиқариши, ҳар хил қурилиш турлари, хўжалик фаолияти ва фойдаланишнинг зонанинг функционал мақсадига мос келишини таъминловчи бошқа кўрсаткичлар учун);

з) худуднинг муҳандислик таъминоти схемаси, бош муҳандислик иншоотлари ва магистраль коммуникацияларни кўрсатган ҳолда, лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштириш схемасининг нусхасида бажарилади;

и) транспортни ташкиллаштириш схемаси:

- темирйўл линиялари, автомобиль йўлларининг асосий тармоғини, аэропортлар, асосий иншоотларга эга кемалар юрадиган дарёларни, транспорт етиб бора оладиган зоналарни ва транспорт билан

таъминланганлик даражасини кўрсатган ҳолда лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштириш схемасининг нусхасида бажарилади.

28. Тушунтириш хатида худуднинг шаҳарсозлик ва функционал ташкиллаштирилиши бўйича ҳозирги ҳолатининг таҳлили, умумдавлат даражасидаги худудий лойиҳалаштиришнинг тармоқли хужжатлари таҳлили (аҳолини жойлаштириш, ривожлантириш ва хўжалик тармоқлари, транспорт, муҳандислик тизимлари, рекреацион тизимларни жойлаштириш схемалари, табиат ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш схемалари), лойиҳавий ечимларнинг асослари ва характеристикалари, лойиҳанинг асосий қоидалари ва техник-иктисодий кўрсаткичлари бўлиши керак.

29. Схеманинг графикали материаллари шаҳарсозликни режалаштиришнинг компьютер технологиялари асосида бажарилиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда мониторингни юритиш мақсадларида буюртмачига электрон ташувчиларда (рақамли модель кўринишида) берилиши лозим.

IV. ШАҲАРСОЗЛИК БЎЙИЧА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ БИРЛАШГАН СХЕМАЛАРИ

30. Шаҳарсозлик бўйича режалаштиришнинг бирлашган схемалари Ўзбекистон Республикаси худудининг қисмларини оқилона функционал ташкиллаштиришни, аҳолини жойлаштириш тизими, саноат ва қишлоқ хўжалик худуд-

лари ва рекреацион зоналарни ривожлантиришни магистраль ва ички район транспорт-муҳандислик коммуникациялари ва иншоотларини ривожлантириш билан боғлиқликда, табиий хомашё, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан комплекс фойдаланиш асосида белгилаши лозим.

31. Шаҳарсозлик бўйича режалаштиришнинг бирлашган схемалари 25 йиллик ҳисобий муддатга ишлаб чиқилади, бунда қурилишнинг биринчи навбати 5-7 йилга мўлжалланади, у тасдиқланганидан кейин 10 йилдан сўнг тузатиш киритилади.

Лойиҳа материалларининг таркиби ва кўламлари 8-Иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудини режалаштириш схемасига ўхшаш тарзда қабул қилиниши мумкин. Масштаб эса бирлашган схемаларни ишлаб чиқиш бўйича топшириқда 1:300000 нисбатдан майда бўлмаган ҳолатда белгиланади.

32. Ҳудудни режалаштириш схемаси бир нечта вилоятларни қамраб олган тақдирда, тушунтириш хати ва асосий қоидаларда ҳар бир вилоят бўйича кўрсаткичлар ажратиб кўрсатилади.

V. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ВИЛОЯТЛАР ҲУДУДЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ СХЕМАСИ

33*. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемалари (қуйида – ҳудудларни режалаштириш схемалари), асосий аҳоли пунктларини ривожлантириш кўламини белгилаган ҳолда, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий объектларини комплекс жойлаштириш ва

аҳолини жойлаштириш билан боғлиқ тарзда ҳудудни функционал зоналаштириш бўйича принципиал қарорларни, аҳолига қишлоқлараро маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими, транспорт-муҳандислик инфратузилмаси, аҳоли пунктларини хавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя қилишни ҳал этиш тамойилларини, фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларни (ФМ МТТ), шунингдек табиий муҳит ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни ўз ичига олиши керак.

Белгиланган тартибда тасдиқланган ҳудудларни режалаштириш схемаси қуйидагиларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади:

а) маъмурий туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳалари;

б) аҳоли пунктлари, миллий боғлар ва кўрикхоналар, рекреация зоналари, саноат зоналари ва узелларининг бош режалари, шунингдек ҳудудни режалаштириш схемасининг чегаралари доирасида махсус ва тармоқли схемалар.

34. Ҳудудларни режалаштириш схемаси, қурилишнинг биринчи навбатини яқин 5-7 йилга мўлжаллаган ҳолда, 25 йиллик ҳисобий муддатга ишлаб чиқилади ва тасдиқланганидан кейин 10 йилдан сўнг тузатишлар киритилади.

35. Ҳудудни режалаштириш схемасига тегишли лойиҳа материалларининг таркиби 9-Иловага биноан қабул қилиниши керак.

График чизмаларда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг Ўзбекистон Республикасида жойлашув схемаси:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар чегаралари, вилоятларнинг марказий шаҳарлари ва асосий йирик шаҳарлар, темир йўл линиялари, автойўллар, аэропортлар, дарёлар, кўллар, канал-лар, сув омборлари, вилоятлараро муҳандислик ускуналаш тизими;

б) ҳудуддан жорий фойдаланиш режаси:

- суғориладиган, чўл-яйлов ерлар, ўрмонлар, рекреация зоналари, сув сатҳлари, табиат, архитектура ва археология ёдгорликлари (қуйида – маданий мерос объектлари), махсус ҳудудлар, йирик саноат корхоналари участкалари ва саноат зоналари, шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари, йирик қишлоқ аҳоли пунктлари, аҳолини жойлаштириш бўйича маҳаллий ва гуруҳли тизимлар марказлари, темир йўл линиялари, автойўллар (ички хўжалик автойўллари бундан мустасно), аэропортлар, муҳандислик ускуналаш ва ҳудудни муҳандислик бўйича тайёрлаш тизимлари, қишлоқ хўжалик корхоналари, маъмурий қишлоқ туманлари, вилоят, республика чегаралари. Барча элементлар схемани ишлаб чиқиш бошланган пайтдан бир йилгача бўлган ҳолати бўйича кўрсатилади;

в) ҳудудни комплекс баҳолаш схемаси:

- ҳудудни гидрогеологик-муҳандислик, сейсмик ва бошқа шароитлари бўйича, ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш юзасидан зарур тадбирларни белгилаган ҳолда, капитал қурилиш учун турли

яроқлилиқ даражасидаги районларга зоналаштириш;

- фойдали қазилмалар қатламига (конларига) эга йирик майдонлар ва сув босадиган зоналар, саноат ва фуқаролик қурилиши ҳамда ҳордиқ зоналари учун тавсия этиладиган майдончалар;

г) комплекс шаҳарсозлик иқтисодий баҳолаш схемаси:

- ҳудудни шаҳарсозлик қиймати бўйича зоналаштириш;

д) ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштириш:

- “Ҳудудлардан жорий фойдаланиш” режасидаги худди шу элементлар, аммо бунда асосий элементлар бўйича қурилишнинг биринчи навбати ва ҳисобий муддати, шунингдек шаҳар доираси зонасининг лойиҳавий чегаралари ажратиб кўрсатилади;

е) функционал зоналаштириш схемаси:

- урбанизациялашган зоналар, шу жумладан шаҳар аҳоли пунктлари, саноат, транспорт ва муҳандислик тизимлари ҳудудлари, махсус вазифага эга ҳудудлар, суғориладиган деҳқончилик ва суғорилмайдиган яйлов зоналарини ажратган ҳолда, қишлоқ хўжалик ҳудудлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудлари;

- аҳоли пунктлари ҳудудини ҳам ўз ичига олувчи ўрмон хўжалиги ҳудудлари;

- рекреацион ихтисослашув зоналарини ажратган ҳолда рекреация зоналари;

- табиати муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, жумладан, кўриқхоналар, заказниклар, миллий

табiiй боғлар, биринчи гуруҳ ўрмонлари ва бошқалар.

Функционал зоналар таркибига тегишли функционал вазифага эга резерв ҳудудлар киради. Функционал зоналарнинг таркиби минтақавий ўзига хосликка мувофиқ равишда зоналарнинг ўзгача турлари билан ҳам тўлдирилиши мумкин. Ушбу зоналардан фойдаланиш режими тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини функционал зоналаштириш схемасида белгиланган ҳудди шу ҳудуддан фойдаланиш режимларига зид келмаслиги лозим;

ж) аҳолини жойлаштириш ва транспорт схемаси:

- аҳолини жойлаштиришнинг тавсия этиладиган тизими, турар-жойларнинг гуруҳли тизимлари марказлари (ТГТМ), аҳоли жойлаштирилишининг маҳаллий тизимларини марказлари ва кичик марказлари; ўзга аҳоли пунктлари;

- темир йўл линиялари, автомобиль йўлларининг асосий тармоғи, аэропортлар, асосий иншоотларни кўрсатган ҳолда дарё ва каналларнинг кемалар катнайдиган участкаси, шунингдек транспорт етиб бора оладиган ТГТ марказлари зоналари ва аҳолига ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тизимини шакллантириш тамойиллари;

з) муҳандислик ускуналаш схемаси:

- сув олиш иншоотлари, асосий сув узатгичлар, канализацияни тозалаш иншоотлари, тортиш станцияларига эга шаҳар ташқари-сидаги коллекторлар (ўзи оқувчи ва босимли);

- юқори вольтли кичик станциялар (110, 220 ва 500 кВт), 110, 220 ва 500 кВт кучланишли ЭУТ (электр узатиш тармоқлари);

- босими 55 кг/см² ва ундан юқори бўлган газ қувурлари, ГТС, нефть қувурлари, электр станциялар, ахлаттепаликлар ва қабристонлар (лойихавий режа нусхасида бажарилади);

и) ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва табиатни муҳофаза қилиш схемаси:

- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш, аҳоли пунктлари ҳудудларини хавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар;

- асосий магистраль ирригация каналлари, коллекторлари, сел ва сув омборлари, муҳандислик иншоотлари (тўғонлар, сувни олиб кетиш каналлари ва бошқ.), суғориладиган деҳқончилик зоналари;

- табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар (лойихавий режа нусхасида бажарилади);

к)*ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»да кўрсатилган таркибдаги фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларининг схемалари;

л) лойихавий режанинг схемали тарҳи (ихтиёрий масштабда бажарилади, аммо асосий лойихавий кесимларни

кўрсатган ҳолда, 1:400000 масштабдан кам бўлмаслиги керак).

36*. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемасига илова қилинадиган техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга тушунтириш хати қисқа бўлиши ва қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларининг (ҳудудларни режалаштириш объектининг) жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш кўрсаткичларининг тавсифи;

б) ҳудуддаги табиий шароитлар тавсифи ва ҳудуднинг комплекс баҳоланиши;

в) вилоят иқтисодиёти ҳолатининг тавсифи ва унинг ривожланиши; маъмурий туманлар ва аҳолини жойлаштириш бўйича туман тизимларининг марказ-шаҳарлари кесимида олинган вилоят аҳолиси сонининг умумий ҳисоби;

г) ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштириш ва аҳолини жойлаштириш тамойиллари;

д) функционал зоналаштириш, аҳолини жойлаштириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, шаҳар ва қишлоқ маъмурий туманлари бўйича тураржой, ижтимоий ва маданий-маиший қурилишлар ҳажми, ҳудудни меъморий-режавий ташкиллаштириш тамойиллари;

е) турли транспорт турларини жорий ва истиқболли ривожлантириш;

ж) табиий муҳит, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар;

з) муҳандислик ускуналаш тизимлари ва ҳудудни муҳандислик

ишлари бўйича тайёрлашнинг жорий ҳолати ва истиқболли ривожланиши;

и) дам олиш ва сайёҳлик зоналарининг жорий ҳолати ва истиқболли ривожланиши;

к) ҳудудни режалаштириш схемасини амалга ошириш бўйича таклифлар;

л) асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар 22-Иловада келтирилган шаклга мувофиқ равишда тайёрланади;

м)* ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ бўлган ҳажмдаги фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари.

37. Схеманинг графикали ва матнли материаллари замонавий ГАТ (географик-ахборот тизими) технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрланиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда ҳудудда шаҳарсозликни ривожлантириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларда берилиши керак.

38. Ҳудудни режалаштириш схемасининг асосий қоидалари ўз ичига техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан таклиф этилаётган лойиҳавий ечимларнинг қисқа баёнини олиши керак. Уларга ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштиришнинг масштабсиз схемаси илова қилинади.

39. Худудни режалаштириш схемаси бир нечта вилоятни қамраб олган тақдирда, тушунтириш хати ва асосий қоидаларда ҳар бир вилоят бўйича кўрсаткичлар алоҳида ажратилади.

VI. ТУМАН (ТУМАНЛАР ГУРУҲИ)НИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

40*. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлар худудларини режалаштиришнинг тасдиқланган схемаси мавжуд бўлмаган тақдирда ишлаб чиқиладиган ва уни ишлаб чиқиш топшириғида белгиланадиган чегараларда бажарилади.

Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳаси, қурилишнинг биринчи навбатини ажратиб кўрсатган ҳолда, 25 йил муддатга ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланганидан кейин 10 йилдан сўнг тузатиш киритилади.

41*. Режалаштириш лойиҳаси қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

а) худудни оқилона функционал ташкиллаштириш, аҳолини жойлаштириш, sanoat зоналари, қишлоқ хўжалик ва рекреация худудлари тизимининг ривожланиш ҳолати ва улар бўйича таклифлар транспорт инфратузилмасининг ривожини билан боғлиқликдаги таҳлили;

б) барча аҳоли пунктларининг режалаштирилишини принципиал ташкиллаштириш ва улардаги аҳоли сони бўйича таклифлар;

в) барча аҳоли пунктларидаги аҳоли сони борасидаги ҳисобий даврлар бўйича таклифлар ва уларни меъморий-режавий ташкиллаштириш тамойиллари;

г) аҳолини жойлаштиришнинг қабул қилинган схемасига мувофиқ турар-жой, ижтимоий, маданий-маиший объектлар қурилишининг ҳажми;

д) муҳандислик ускуналар тизими ва худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлашни ривожлантиришнинг принципиал ечимлари;

е) атроф-муҳит, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича асосий тадбирлар;

ж) дам олиш зоналари ва сайёҳлик объектларини жойлаштириш;

з) рекреацияни ривожлантириш бўйича таклифлар (рекреация муассасалари, рекреация-сайёҳлик, ўрмон боғлари, аквапарклар, дала-ҳовлилар жойлашган кўрғончалар ва боғдорчилик ширкатлари);

и) ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ бўлган ҳажмдаги фуқаролик ҳимоясининг техник-муҳандислик тадбирлари бўйича таклифлар.

42. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳасининг материаллари таркиби 10-Иловага мувофиқ равишда қабул қилиниши лозим.

43*. График чизмаларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

а) туман (туман гуруҳлари)нинг вилоят ёки Қорақалпоғистон

Республикасининг аҳолини жойлаштириш тизимидаги ҳолати:

- маъмурий туманлар чегаралари, шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ва қишлоқ типидagi туман марказлари, давлатлараро, давлат, вилоят автойўллари, темир йўл линиялари ва станциялари, аэропортлар, туманлараро муҳандислик коммуникациялари, асосий ирригация ва ташлама каналлари ҳамда сув омборлари;

б) ҳудуддан жорий фойдаланиш:

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг чегараларини кўрсатган ҳолда суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар, рекреация зоналари, сув сатҳлари, махсус вазифага эга ҳудудлар, маданий мерос объектлари, йирик саноат корхоналари, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари, темир йўллар, автойўллар (ички хўжалик йўллари бундан мустасно), аэропортлар, муҳандислик ускуналаш ва ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш тизимлари, туманлар ва вилоят чегаралари.

Барча элементлар лойиҳа ишлари бошланган пайдан бир йилгача бўлган ҳолат бўйича кўрсатилади;

в) ҳудудни комплекс баҳолаш:

- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш юзасидан зарур тадбирларни белгилаган ҳолда, ҳудудни муҳандислик-гидрогеологик, сейсмик ва бошқа шароитлари бўйича капитал қурилиш учун турли яроқлилиқ даражасидаги районларга тақсимлаш;

- фойдали қазилмалар, сув босадиган зоналар майдонлари;

- саноат ва фуқаролик қурилиши ҳамда дам олиш зоналари учун тасвия этиладиган майдончалар;

г) иқтисодий баҳолашнинг комплекс шаҳарсозлик схемасида

ҳудудни баллар ёки қиймат индекслари кўринишидаги нисбий кўрсаткичларда ифодаланган шаҳарсозлик қиймати бўйича зоналаштириш кўрсатилиши зарур;

д) ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштириш:

- ҳудуддан жорий фойдаланиш режасида кўрсатилган шу элементларнинг ўзи кўрсатилади, аммо бунда биринчи навбат ва ҳисобий муддат ажратилади;

е) муҳандислик ускуналаш, ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва табиатни муҳофаза қилиш схемалари туманлараро ва туман муҳандислик коммуникациялари ва иншоотларини кўрсатган ҳолда лойиҳавий режа нусхасида бажарилади;

ж) асосий лойиҳавий ечимларни кўрсатган ҳолда “асосий қоидалар” учун лойиҳавий режанинг схемали чизмаси.

з)* фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари схемаси;

44*. Тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) туман ёки туманлар гуруҳидаги иқтисодиётнинг жорий аҳволи, аҳолини жойлаштириш, жорий турар-жой фонди ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини режалаштириш бўйича ташкиллаштириш, муҳандислик ускуналаш тизимини ривожлантириш тавсифи;

б) табиий шароитлар тавсифи;

в) иқтисодий база, аҳолини жойлаштириш, турар-жой фонди, ижтимоий, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиш муассасаларини истиқболли ривожлантиришнинг асосий қоидалари,

меъморий-режавий ташкиллаштириш тамойиллари;

г) табиатни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича таклифлар;

д) муҳандислик ишлари хизматини кўрсатиш ва ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш тизимларини ечиш;

е) туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳаси бўйича тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар;

ж)* асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар 23-Иловага мувофиқ равишда кўрсатилади.

з)* ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ бўлган ҳажмдаги фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари.

45. «Асосий қоидалар»да аҳолини жойлаштириш, ишчи кучлари, техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан муҳандислик ускуналарни жойлаштиришнинг лойиҳавий ташкиллаштириш тамойиллари баён этилиши лозим.

46. Туманлар гуруҳини режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишда тушунтириш хати ва асосий қоидаларда ҳар бир туман бўйича кўрсаткичлар ажратиб кўрсатилади.

47. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳасининг графикали ва матнли материаллари замонавий ГАТ (географик-ахборот тизими) технологиялардан фойда-

ланган ҳолда тайёрланиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда ҳудудда шаҳарсозликни ривожлантириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларга киритилиши лозим.

VII*. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАСИ ҲУДУДИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ – ШНҚ 1.03.10-06 «Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш-режалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» кучга кириши муносабати билан ушбу бўлим 48, 49, 50 ва 51 бандлари билан биргаликда чиқариб ташланди.

VIII. ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯСИ ҲУДУДИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

52*. Шаҳар агломерацияси ҳудудини режалаштириш лойиҳаси, уни ишлаб чиқиш топшириғида белгиланган чегараларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемаси ечимлари ёки туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳаси ривож ва асосида ишлаб чиқилади.

53. Шаҳар агломерацияси ҳудудини режалаштириш лойиҳаси агломерация марказ-шаҳрини у билан ўзаро боғланган аҳоли пунктларини мувозанатли ривожлантириш йўналишларини, ҳудудни меъморий-режавий ишлари бўйича ташкиллаштириш,

ижтимоий, транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини, ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлашни ривожлантириш, экологик вазиёт ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш тамойилларини ўз ичига олиши керак.

54. Шаҳар агломерацияси ҳудудини режалаштириш лойиҳаси, биринчи навбати яқин 5-7 йилга мўлжаллаган ҳолда, 20-25 йил муддатга ишлаб чиқилади ва тасдиқланганидан кейин 10 йилдан сўнг тузатишлар киритилади.

55. Шаҳар агломерацияси ҳудудини режалаштириш лойиҳасига тегишли материаллар таркиби 12-Иловага мувофиқ равишда қабул қилиниши керак.

56. График чизмаларда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) шаҳар агломерациясининг ушбу вилоятда аҳолини жойлаштириш тизимидаги ҳолати: вилоят чегаралари, шаҳар агломерацияси чегаралари ва бошқа аҳоли пунктлари, давлатлараро, давлат, вилоят ва туман автойўллари, темир йўл линиялари ва станциялари, аэропортлар, асосий ирригация ва ташлама коллекторлар;

б) ҳудуддан жорий фойдаланиш:
- агломерация чегараларидаги шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари, йирик саноат корхоналари, дам олиш зоналари, қишлоқ хўжалик ҳудудлари, хўжаликлар чегаралари, махсус вазифага эга ҳудудлар, сув сатҳлари, темир йўллар, авто-йўллар, аэропортлар, муҳандислик ускуналари ва ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш тизимлари (барча элементлар ишлаб чиқиш бошланган йил учун кўрсатилади);

в) ҳудудни комплекс баҳолаш:

- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш юзасидан зарур тадбирларни белгилаган ҳолда, ҳудудни муҳандислик-гидрогеологик, сейсмик, экологик ва бошқа шароитлар бўйича капитал қурилиш учун турли яроқлилиқ даражасидаги участкаларга зоналаштириш;

- сув босувчи зоналар ҳудуди ва бошқа режалаштириш чекловлари;

- дам олишни ташкил этиш учун тавсия қилинадиган ҳудудлар;

г) ҳудудни комплекс шаҳар-созлик иқтисодий баҳолаш схемасида ҳудудни баллар ва қиймат индекслари кўринишидаги нисбий кўрсаткичларда шаҳар-созлик қиймати бўйича тақсимлаш кўрсатилиши лозим;

д) ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштириш:

- ҳисобий муддатга мўлжалланган лойиҳавий таклифлар, қурилишнинг биринчи навбатини ажратиб кўрсатган ҳолда, ҳудуддан жорий фойдаланиш режасидаги худди шу элементлар бўйича кўрсатилади;

е) транспортни ташкиллаштириш ва ижтимоий-маиший хизматни принципиал ташкиллаштириш схемаси:

- магистраль йўл-кўча тармоғининг таснифи, мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган ташқи транспорт объектлари (вокзаллар, автостанциялар, аэропортлар, темир йўл линиялари, станциялар, кўприклар, кўприк йўллар, туннеллар ва бошқ.);

- қишлоқлараро маданий-маиший хизмат кўрсатиш марказлари (ихтисослашган ва

комплекс), хизмат кўрсатиш радиуслари.

Схемага йўловчи ва юк оқимлари картограммалари, қишлоқлараро хизмат кўрсатиш марказлари ва агломерация марказ-шаҳрига транспорт етиб бора олиш изохронлари илова қилинади;

ж) муҳандислик ускуналаш схемаси:

- муҳандислик ускуналаш ва санитар-тозалаш бўйича мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган иншоотлар;

- сув олиш иншоотлари, канализация тозалаш иншоотлари, ИЭМ (Иссиқлик энергияси марказлари) электр станциялари, қозонхоналар, юқори вольтли кичик станциялар, газ тақсимлаш станциялари, телевидение, радиоузатиш иншоотлари, магистраль қувурлар, кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган ЭУТ, АТС ва алоқа кабель линиялари, чиқиндини қайта ишлаш корхоналари.

з) ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ равишда фуқаролик ҳимоясининг техник-муҳандислик тадбирлари схемаси;

57*. Тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

- кириш қисми (ишнинг мақсад ва вазифалари ва ҳ.к.), агломерация ҳудудининг жорий ҳолати бўйича қисқа тавсифлар (умуман аҳоли ва аҳоли пунктлари бўйича, турар-жой фонди, хизмат кўрсатиш тизими, муҳандислик ускуналаш, ҳудудни

муҳандислик ишлари учун тайёрлаш, транспорт);

- агломерациянинг табиий, ижтимоий-демографик, иқтисодий, экологик, режалаштириш бўйича шаклланиш ва ривожланиш шароитлари;

- агломерацияни истиқболли ривожлантириш бўйича таклифлар, унинг функционал-режали ташкиллашуви тамойиллари;

- ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ равишда фуқаролик ҳимоясининг техник-муҳандислик тадбирлари бўйича таклифлар;

- лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари.

58. Шаҳар агломерацияси ҳудудини режалаштириш лойиҳасига тегишли графикали ва матнли материаллар шаҳарсозликни режалаштиришнинг замонавий ГИС технологияларида бажарилиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда амалга ошириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларга киритилиши лозим

IX. АҲОЛИ ПУНКТИНИНГ БОШ РЕЖАСИ

59*. Аҳоли пунктининг бош режаси шаҳарсозлик бўйича асосий ҳужжат ҳисобланиб, у аҳоли пункти, унинг режалаштириш тузилмаси, саноат, турар-жой, коммунал-омбор ва бошқа функционал зоналар, аҳолига

ижтимоий хизмат кўрсатиш тармоқлари, транспорт ва муҳандислик ускуналаш тизимининг узок муддатли, стратегик ривожланиш истиқболларини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тамойилларини белгилаб беради.

60. Бош режа аҳоли пункти ҳудудини комплекс ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади ва қуйидагиларни ишлаб чиқиш учун бошланғич ҳужжат ҳисобланади:

а) батафсил режалаштириш лойиҳалари ва аҳоли пункти ҳудудининг алоҳида қисмларида иморат солиш лойиҳалари, яқин йилларга мўлжалланган қурилишни жойлаштириш схемалари ва режалари;

б) шаҳар транспорти ва кўчаларининг барча турларини ривожлантириш бўйича комплекс схемалар;

в) муҳандислик ускуналаш тизимининг тармоқли схемалари ва лойиҳалари (сув таъминоти, канализация, электр таъминоти, газлаштириш, иссиқлик таъминоти, телефонлаштириш, радиолаш-тириш ва бошқалар);

г) ҳудудларни суғориш, қуришиш ва ҳудудларни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлашни кўзда тутувчи бошқа тадбирларнинг лойиҳалари;

д) шаҳар ва қўрғон чегаралари лойиҳалари ва ердан фойдаланиш масалаларининг ечимлари;

е) ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекис-тон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ равишда фуқаролик

ҳимоясининг техник-муҳандислик тадбирлари бўйича лойиҳа.

61*. Аҳоли пунктининг бош режаси, бундан аввал тасдиқланган бош режадаги принципиал ечимларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудни режалаштириш схемаси (лойиҳаси) асосида ишлаб чиқилади ва у қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

а) аҳолининг иқтисодий базаси ва ҳисобий сонини ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

б) тегишли асос мавжуд бўлганида, аҳоли пункти ҳудудини, иқтисодий ривожланиш, табиий-иқлим ва режалаштириш шароитлари ҳамда аҳоли сонини прогнозлашни ҳисобга олган ҳолда, ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) ҳудудларни функционал зоналаштириш ва аҳоли пунктини меъморий-режавий бўйича ташкиллаштириш, транспорт магистраллари тизими, турар-жой иморатларининг қаватлилиги, аҳолига ижтимоий, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларни уларнинг ҳажми ва қурилиш навбатини белгилаган ҳолда жойлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

г) аҳоли пунктини шаҳарсозлик бўйича ривожлантириш учун резерв ҳудудларни аниқлаш;

д) муҳандислик ускуналаш ва ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш тизимларини ҳал этиш тамойиллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш.

Бош режа таркибидаги фукаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар бўлими бир босқичда ишлаб чиқиладиган аҳоли пунктларининг бош режалари учун икки босқичда ишлаб чиқиладиган бош режа учун буюртмачининг кўшимча топшириғи бўйича техник-иқтисодий асослаш (ТИА) босқичида* бажарилади. Тоифалаштирилган шаҳарларнинг бош режалари учун ФХ МТТ бўлими фукаролик ҳимояси бўйича зарур тадбирларнинг бутун мажмуини ўз ичига олади.

Тоифалаштирилмаган шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун фукаролик ҳимояси бўйича зарур тадбирлар мажмуи буюртмачининг ФВВ билан келишилган топшириғига кўра алоҳида лойиҳа кўринишида ишлаб чиқилади.

62*. Бош режа қурилишнинг биринчи навбатини 5-7 йилга мўлжаллаган ҳолда 20-25 йиллик ҳисобий муддатга ишлаб чиқилади.

Ундан узоқроқ даврга (30-40 йил) функционал зоналаштириш билан бирга аҳоли пунктини ҳудудий ривожлантириш прогнози ишлаб чиқилади.

Изох: Аҳолисининг сони 100,0 минг кишидан ошувчи шаҳарларнинг бош режаларига улар тасдиқланганидан кейин 10 йилдан сўнг мажбурий равишда тузатиш киритилади, бунда бош режа бўлимларига киритиладиган тузатишлар конкрет тарзда аниқлаштирилади.

Аҳолисининг сони 100,0 минг кишидан кам шаҳарларнинг бош режаларига ҳам улар тасдиқланганидан кейин 10 йилдан сўнг мажбурий равишда тузатиш киритилади. Бунда тузатишлар шаҳарнинг ривожланиш жадаллиги ва бошқа омиллар билан боғлиқ режалаштириш тузилмасига киритиладиган ўзгаришларнинг заруратига ва асосли эканига қараб киритилади.

63. Аҳолисининг сони 250 минг кишидан ошувчи шаҳарлар учун режани икки босқичда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

- шаҳарнинг бош режаси ва унинг чегара зонасининг техник-иқтисодий асослари (ТИА);

- шаҳарнинг бош режаси лойиҳаси.

Бошқа аҳоли пунктлари ҳамда курортлар ва рекреация зоналари учун бош режа бир босқичда ишлаб чиқилади, бунда ТИА бош режанинг бир бўлими сифатида бажарилади.

Аҳолисининг ҳисобий сони 20,0 минг кишигача бўлган шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун бош режаларни батафсил режалаштириш лойиҳалари билан бирга кўшиб ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳрининг ноёблигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси билан келишган ҳолда шаҳарнинг ҳажмлари ва ТИА таркибини ҳамда унинг бош режасини аниқлаштириш тавсия этилади.

64. Тегишли асослар мавжуд бўлганида, аҳоли пунктининг бош режасини қисқартирилган ҳажмда ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳар бир конкрет ҳолатда ушбу масала Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг тақдими бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан кўриб чиқилади.

65. Техник-иқтисодий асослар ва аҳоли пунктининг бош режасига

тегишли лойиҳавий материалларнинг таркиби 13, 14 ва 15-Иловаларга мувофиқ равишда қабул қилиниши зарур.

66*. Аҳоли пунктининг бош режаси ТИА га тегишли графикали материалларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) аҳоли пунктининг вилоят ёки Қорақалпоғистон Республикаси бўйича аҳолини жойлаштириш тизимидаги ҳолатининг схемаси:

- лойиҳалаштирилаётган аҳоли пункти, унинг лойиҳавий ҳудудлари кўрсатилган ҳолда;

- мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган аҳоли пунктлари, саноат ва коммунал-омбор корхоналарининг ҳудуди, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган (суғориладиган, лалми ва бошқа) ерлар, дам олиш ва сайёҳлик зоналари, ўрмон массивлари, кўрикхоналар, сув ҳавзалари, маданий мерос объектлари;

- муҳандислик ускуналаш тизими ва транспорт иншоотлари (сув олиш иншоотлари, канализацияни тозалаш иншоотлари, сув узатгичлар, канализация коллекторлари, ахлат-тепаликлар, қабристонлар, газ қувурлари ва ГТС, электр станциялари, юқори вольтли кичик станциялар, кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган ЭУТ, асосий автомобиль йўллари, аэропортлар, темир йўл линиялари ва станциялари ҳамда аҳоли пунктларининг лойиҳавий чегара-ларидан ташқарида жойлашган ўзга объектлар);

- республика, вилоятларнинг маъмурий чегаралари (агар мавжуд бўлса), шунингдек ердан фойдаланувчи йирик хўжаликлар чегара-лари;

б) таянч режасида (ҳудудлардан жорий фойдаланиш режасида) қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ҳудуддан жорий фойдаланиш, уни функционал зоналаштириш ва режали тузилмаси;

- қаватлилиги бўйича турар-жойлар қурилиши, жамоат бинолари ва иншоотларининг асосий участкалари, кўча тармоғи, темир йўллар, автостанциялар, аэропортлар, транспорт-муҳандислик иншоотлари;

- асосий магистраль муҳандислик тармоқлари ва иншоотлари (катта ва йирик шаҳарлар учун лойиҳавий ечимлари билан биргаликда муҳандислик ускуналанишнинг алоҳида тармоқли схемаси кўринишида тақдим этилиши мумкин);

- умумий фойдаланувдаги кўкаламзорлар, спорт иншоотлари, маданий мерос объектлари, дам олиш ва сайёҳлик муассасалари ва ҳудудлари;

- шаҳарнинг жорий чеккаси, шаҳар маъмурий туманлари чегараси ва аҳоли пунктини қуриш учун ажратилган ерлар участкаси;

- бошқа жойдан кесиб қўшилган ердан жорий фойдаланиш ҳолати кўрсатилган ҳолда шаҳарнинг лойиҳавий чеккаси;

- аҳоли пунктини бош режани ишлаб чиқиш давридаги йилда характерлайдиган техник-иктисодий кўрсаткичлар, ҳудуд баланси, шартли белгилар.

Изоҳ*: Бош режани ишлаб чиқишда таянч режасига кўчаларнинг лойиҳавий магистраль қизил чизиклари туширилади. Бош режани батафсил режалаштириш лойиҳаси билан бирга қўшиб ишлаб чиқишда таянч режасига кўчалар ва асосий объектлар ҳамда аҳоли пункти

иншоотларининг лойиҳавий қизил чизиклари туширилади.

в) режалаш бўйича чекловлар ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолатини баҳолаш схемасида қуйидагилар бўлиши керак:

- ҳудудни, сейсмиклик даражасини кўрсатган ҳолда, қурилиш ишлари учун яроқлилик даражасига қараб районлаштириш (муҳандислик ишлари бўйича тайёргарлик юзасидан мураккаб тадбирлар қўлланилмайдиган қурилиш ишлари учун яроқли районлар; мураккаб тадбирлар қўлланиладиган қурилиш ишлари учун яроқли районлар ва қурилиш ишлари учун яроқли бўлмаган районлар);

- саноат корхоналари, аэродромлар ва бошқа объектларнинг санитария-ҳимоя зоналари;

- муҳофаза қилинувчи очик сув оқадиган, сув таъминоти манбалари, қувур йўллари, юқори вольтли электр узатиш линиялари, тарихий-маданий мерос объектлари, курорт-соғломлаштириш муассасалари зоналари;

г) комплекс шаҳарсозлик иқтисодий баҳолаш схемасида ҳудудни баллар ва қиймат индекслари кўринишидаги нисбий кўрсаткичларда ифодаланган шаҳарсозлик қиймати бўйича зоналаштириш кўрсатилиши лозим;

д) бош режа (ТИАнинг асосий тарҳи) схемасида қуйидагилар бўлиши зарур:

- ҳудуднинг функционал зоналаштирилиши ва меъморий-режавий бўйича тузилмаси;

- магистраль кўчалар, йўллар ва ташқи транспорт алоқалари тизими, асосий транспорт иншоотлари ва муҳандислик ускуналаш тармоқлари;

- шаҳарни келгусида ривожлантириш учун зарур бўлган захира ҳудуд ва шаҳарнинг лойиҳавий чеккаси;

е) ҳудудий ривожлантириш вариантларининг схемаларида (ТИА) қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- функционал зоналаштириш ва принципал режалаштириш тузилмаси;

- транспорт алоқалари, муҳандислик ускуналани ҳал этиш тамойиллари;

- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича зарур ечимлар;

- ҳисобий муддатдан кейинги эҳтимоллий ривожланиш;

ж) бош режада (асосий тарҳда) аҳоли пункти ва алоҳида функционал зоналарнинг меъморий-режавий бўйича ташкиллашуви юзасидан лойиҳавий ечимлар берилди. Бунда қуйидаги ҳудудлар кўрсатилади:

- турар-жой ҳудудлар (қаватлилиги бўйича турар-жой қурилишлари, жамоат бинолари ва иншоотларининг асосий участкалари, аҳолига ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатувчи асосий объектлар, умумий фойдаланувдаги кўкаламзорлар ва спорт иншоотлари, кўчалар тармоғи, темир йўллар, автостанциялар, аэропортлар, транспорт-муҳандислик иншоотлари, ЭУТ йўлаклари ва магистраль муҳандислик коммуникациялари ва ҳ.к.);

- саноат ҳудудлари (саноат, коммунал-омбор корхоналари, темир йўл шоҳобча йўллари ва автойўллар, жамоат бинолари ва

иншоотларининг участкалари, санитар-ҳимоя зоналари, ЭУТ йўлаклари ва магистраль муҳандислик коммуникацияларини ажратиб кўрсатган ҳамда мавжуд ва янги саноат корхоналари, коммунал-омбор хўжалиги ва ташқи транспорт объектларини жойлаштирган ҳолда);

- ташқи транспорт объектлари (магистраль линиялар ва иншоотлар учун ажратилган ерларнинг чегаралари);

- дам олиш ва сайёҳлик зоналари, рекреация зоналари;

- майдонлар, транспорт чорраҳалари, кўприклар ва бошқа транспорт иншоотларини кўрсатган ҳолда магистраль кўчалар тизимлари;

- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ҳамда табиий ва сунъий очик сув ҳавзаларини реконструкция қилиш бўйича тадбирлар (қирғоқларни мустаҳкамлаш бўйича ишлар, қирғоқбўйи, суви муҳофаза қилинадиган зоналар тузилиши);

- маданий мерос объектлари, табиий ландшафтлари кўриқланадиган зоналар;

- ҳисобий муддат доирасида ва ундан ташқарида фойдаланиладиган захира ҳудудлар;

- бош режани ишлаб чиқиш якунланган даврдаги йилда аҳоли пунктини тавсифловчи техник-иктисодий кўрсаткичлар, ҳудуднинг лойиҳавий баланси, шартли белгилари;

- шаҳарнинг жорий (баъзи ҳолларда шаклланиб бўлган) чегараси ва шаҳарнинг лойиҳавий чеккаси;

Изоҳ: 1. Бош режаси батафсил режалаштириш лойиҳаси билан бирга қўшиб ишланган аҳоли пунктлари учун 82 «в» банднинг талабларига

биноан лойиҳавий қизил чизиқлар режасига эга қурилиш эскизи бажарилади.

- атроф-муҳитни яхшилаш ва тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар;

и) аҳоли пункти марказининг ҳажмли-маконли композицияси эскизида (макетиди) қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- марказнинг ҳажмли-маконли композицияси унга туташ районлар билан боғлиқликда, шунингдек уларнинг режалаштириш бўйича ташкиллашуви;

к) шаҳар ва ташқи транспорт магистралларининг схемасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- кўча-йўл тармоғи таснифи, мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган ташқи транспорт иншоотларининг ҳудуди (вокзаллар, автостанциялар, аэропортлар, темир йўллар ва станциялар, кўприклар, кўприк йўллар, туннеллар ва бошқа иншоотлар):

- шаҳар оммавий транспорти линияларини ажратган ҳолда жамоат транспорти тизими, мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган трамвай ва троллейбус парклари, автобус, юк ва таксомотор гаражлари, хусусий автомобиллар учун гаражлар, автомобилга ёнилғи қуйиш станциялари, техник хизмат кўрсатиш станциялари ва бошқаларнинг жойлашуви.

Схемага йўловчи ва юк оқимларининг картограммалари, магистраль ва йўлларнинг ўзига хос кўндаланг профиллари мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган профиллар билан биргаликда қўшиб ишланган ҳолда илова қилинади.

Аҳолисининг сони 250,0 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари учун шаҳар транспортининг ҳисоб-китобини йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича амалга оширишга рухсат этилади;

л) муҳандислик ускуналаш схемасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- муҳандислик ускуналаш ва санитар тозалаш тизимларининг мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган иншоотлари;

- сув олиш иншоотлари, канализация тозалаш иншоотлари, ИЭМ, қозонхоналар, электр станциялари ва юқори вольтли кичик станциялар, газ тақсимлаш станциялари (ГТС), телевидение ва радиоузатиш иншоотлари, магистраль қувур йўллари, юқори вольтли ЭУТ (35 кВ ва ундан юқори), чиқинди ёндирадиган ва утилизация заводлари ва бошқалар;

- муҳандислик ускуналашнинг туманлараро ва туман тизимлари мавжуд бўлган тақдирда ушбу аҳоли пунктларини таъминловчи асосий иншоотлар кўрсатилади;

- ер ости майдонини ўзлаштириш участкалари (ўтиш коллекторлари, иссиқлик пунктлари, гаражлар ва бошқалар учун).

Муҳандислик ускуналарининг схемаси бош режа нусхасида бажарилади.

Изоҳ: Схема тўлиқ бўлган тақдирда муҳандислик таъминловининг турлари бўйича алоҳида схемалар ишлаб чиқилишига рухсат берилади.

м) худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва атроф-муҳит ҳолатини прогнозлаш схемасида қуйидагилар кўрсатилади:

- асосий ирригация ва ташлама каналлар, сув чиқариш иншоотлари, жала сувлари оқиб кетадиган ариқлар;

- дренаж қўлланилишини талаб этадиган участкалар (дренаж турини (вертикал, горизонтал) кўрсатган ҳолда);

- очиқ сув ҳавзаларини тартибга солиш, сел оқимларига қарши кураш, ёпиқ коллекторлардаги табиий сув ҳавзалар ўзанларини белгилаш бўйича тадбирлар;

- аҳоли пунктларини хавфли геологик ва гидрогеологик жараёнлардан ҳимоя қилувчи иншоотлар;

- бузилган худудлар рекултивацияси бўйича тадбирлар;

- сезиларли даражада грунт сепиш ёки уни кесиб олишни талаб қилувчи участкалар;

- саноат корхоналаридан атмосферага зарарли чиқиндилар ташланадиган зоналар, тозаланган саноат оқова сувлари йиғиладиган жойлар, чиқинди омборлари, култепалар;

- санитария нуқтаи назаридан зарарли бўлган саноат корхоналарини олиб чиқиш бўйича таклифлар;

- кўкаламзорлаштирилган санитария-ҳимоя зоналарини яратиш; автомобил йўллари ва темир йўл линиялари трассаларини ҳамда аэродромларнинг учиш-қўниш йўлқалари йўналишларини ўзгартириш бўйича таклифлар;

- бош режалари БРЛ билан биргаликда қўшиб ишлаб чиқиладиган кичик шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун вертикал режалаштириш элементлари (баланд белгилар, кўчалар бўйича

бўйлама қияликлар ва бошқ.), шунингдек жала сувларини оқизувчи канализация объектлари кўрсатилиши лозим;

н) ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ равишда фуқаролик химоясининг техник-муҳандислик тадбирлари схемаси;

о) бош режанинг схемали тарҳида қуйидагилар кўрсатилади:

- бош режа бўйича аҳоли пунктини ривожлантиришнинг асосий элементлари (қаватлилиги бўйича турар-жой қурилиши, умумий фойдаланувдаги кўкаламзорлар, спорт иншоотлари, магистраль кўча тармоғи, саноат-омбор зоналари, асосий ташқи транспорт объектлари) ҳамда марказлар тизимини шакллантириш.

67*. Техник-иқтисодий асосларга (ТИА) илова қилинадиган тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

а) кириш қисми (ишнинг вазифалари ва ижрочилари);

б) аҳоли пунктининг жорий ҳолатига қисқача тавсиф (аҳоли пунктининг тоифаси, аҳоли, турар-жой фонди, муҳандислик ускуна-лаш, муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаши, транспорт, ҳудуддан фойдаланиш);

в) аҳолини жойлаштириш тизимининг шаклланиш шароитлари ва унда лойиҳалаштирилаётган аҳоли пунктининг ўрни;

г) шаҳарни ташкил қилувчи базани ривожлантириш истиқболлари ва аҳоли сонининг ҳисоби;

д) табиий шароитлар ва уларнинг шаҳар ривожига таъсири;

е) ривожланишнинг турли вариантларига техник-иқтисодий баҳо берган ва қулай вариантни танлаган ҳолда шаҳарнинг истиқболли ривожланиш концепцияси ва у бўйича таклифлар;

ж) асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар 24-Иловага мувофиқ равишда қабул қилинади.

68*. Бош режага илова қилинадиган тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) кириш қисми (ишда белгиланган вазифалар, ижрочилари ва ижро муддатлари);

б) қисқача тарихий тавсифи;

в) табиий шароитлари (иқлим, рельеф, гидрография, муҳандислик-гидрогеологик шароитлар, ноқулай муҳандислик-геологик шароитлар, муҳандислик-геологик районлаштириш, тупроқлар ва ўсимликлар, ҳудуд ўзлаштирилганида ўзгариши мумкин бўлган табиий шароитлар, фойдали қазилмалар);

г) қурилиш, муҳандислик ускуналаш ва ободонлаштиришнинг жорий ҳолати тавсифи, ундан олдинги тасдиқланган бош режанинг амалга оширилиши;

д) аҳолини жойлаштириш тизимини шакллантириш шароитлари ва унда лойиҳалаштирилаётган аҳоли пунктининг ўрни;

е) иқтисодий базани ривожлантириш истиқболлари ва аҳолининг ҳисобий сони;

ж) ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштиришнинг баёни (функционал зоналаштириш);

худуднинг меъморий-режавий бўйича ташкиллашуви; турар-жой қурилишининг ҳажми ва қаватлилиги; аҳолини лойиҳавий ечим доирасида жойлаштириш; аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш; умумий фойдаланувдаги кўкаламзорлар; спорт иншоотлари ва дам олиш объектлари; қурилиш даврлари бўйича ҳудуд баланси, қурилишнинг биринчи навбати);

з) ташқи ва шаҳар транспорти бўйича қарорлар, магистраль-кўча тармоғини ташкил этиш;

и) худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш юзасидан тадбирлар;

к) муҳандислик ускуналаш бўйича ечимлар:

- сув таъминоти;
- канализация;
- санитар тозалаш;
- электр таъминоти;
- иссиқлик таъминоти;
- газ таъминоти;

- телефонлаштириш ва радиолаштириш;

л) АМТТ лойиҳаси (Атроф-муҳитга таъсир тўғрисида талабнома);

м) 24-Иловага мувофиқ йиғма техник-иқтисодий кўрсаткичлар;

н) ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ равишда фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар;

Изоҳлар: 1. Хатда келтирилган кўрсаткичлар ҳамда ҳисоб-китоблар ва асослар бўйича маълумотлар. Зарур ҳолатларда,

вариантли ишланмаларга асосланиши ва қоидага кўра жадвал шаклида баён этилиши керак.

2. Тушунтириш хатига лойиҳалаштиришга берилган топшириқ ва бош режа материалларини кўриб чиқиш бўйича ҳужжатлар илова қилинади.

3. Тушунтириш хатида «Қурилишнинг биринчи навбати» бўлими ажратиб кўрсатилади ва ундаги объектлар бош режага илова қилинадиган алоҳида схемада намоиш этилади.

69*. «Бош режага оид асосий қоидалар» ўз ичига қабул қилинган лойиҳавий ечимларнинг қисқача баёнини (аҳолининг ҳисобий сони, худудий ривожланиш, функционал зоналаштириш, меъморий-режавий бўйича ташкиллашув, хизмат кўрсатиш тизими, ташқи ва шаҳар транспорти, кўча тармоқлари, муҳандислик ускуналаш, худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш, қурилишнинг биринчи навбати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш), фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларини ҳамда лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини олиши керак.

«Асосий қоидаларга» бош режанинг схемали тарҳи илова қилинади.

70. Курорт ва рекреация зоналарининг бош режаларига тегишли материаллар таркиби худудларининг катталиги ва дам олувчиларнинг сонига қараб, аҳолининг тегишли сонига эга аҳоли пунктининг бош режасига тегишли материалларнинг таркибига мувофиқ ҳолда белгиланади.

71. Бош режа ва техник-иқтисодий асосларга илова қилинадиган йиғма техник-иқтисодий

кўрсаткичларнинг таркиби 15- ва 24-Иловаларда келтирилган.

72*. Бош режани қисқартирилган ҳажмда ишлаб чиқишга қуйидаги ҳолатларда йўл қўйилади:

а) ҳисобий муддат тугаб, аҳоли пункти томонидан аҳолининг ҳисобий сонига ҳамда бош режа бўйича ҳудудий ривожланишга эришилмаганида, яъни ривожланиш-нинг суръатлари паст бўлганида;

б) аҳоли пунктида тасдиқланган бош режадаги ҳисобий муддат тугагунга қадар аҳолининг ҳисобий сонига эришилганида;

в) аҳолисининг ҳисобий сони 50 минг кишидан ошмайдиган ва, асосан, маҳаллий тизимларнинг маъмурий-хўжалик марказлари сифатида ривожланаётган кичик шаҳар аҳоли пунктлари учун;

г) аҳолисининг жорий сони лойиҳада кўзда тутилганидан сезиларли даражада кам ва тасдиқланган бош режани принципиал бузиш ҳолатлари бўлмаган аҳоли пунктлари учун;

д)* қишлоқ аҳоли пунктлари учун бундан олдин ишланган бош тарҳлари ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини меъморий режалаштириш лойиҳаси учун ШНҚ 1.03.10-06 – “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, аҳоли қишлоқ пунктларининг ҳудудини режалаштириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш режалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келиши ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг III қисмига биноан;

е) аҳоли пункти бош режасига бир пайтнинг ўзида яқин 5-7 йилга мўлжалланган қурилишни жойлаш-

тириш лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бирга тузатиш киритилганида.

73. 28-Иловада бош режаларини қисқа ҳажмда ишлаб чиқиш тавсия этиладиган аҳоли пунктларининг рўйхати келтирилган.

74. Лойиҳанинг графикали ва матнли материаллари шаҳарсозликни режалаштиришнинг замонавий компьютер технологиялари асосида бажарилиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда амалга ошириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларга киритилиши лозим.

Х. БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

75*. Батафсил режалаштириш лойиҳаси аҳоли пункти, саноат ва бошқа функционал зоналарнинг турар-жой ҳудудларининг алоҳида қисмлари учун, айрим ҳолатларда эса, аҳоли пунктининг бутун ҳудуди учун (мазкур “Йўриқномалар”нинг 63-бандига қаранг) аҳоли пунктининг тасдиқланган бош режаси асосида ишлаб чиқилади.

76*. Батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг мақсадлари:

а) аҳоли пунктидаги иморат қуриладиган ҳудуднинг режалаштириш бўйича тузилмасини, кўчалар, майдонларнинг қизил чизиқларини ва қурилишни тартибга солишнинг бошқа чизиқларини белгилаган ҳолда, йирикроқ масштабда аниқлаштириш ва тузатиш киритиш; қаватлилиқ, бинолар ва иншоотлар турларини белгилаган ҳолда қурилишнинг ҳажмли-

маконли ва меъморий-режавий ечимини ишлаб чиқиш;

б) хизмат кўрсатиш корхоналари ва муассасаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда бош режа бўйича функционал зоналарга мувофиқ уларнинг жойлашувига аниқлик киритиш;

в) транспорт хизмати, муҳандислик ускуналаш, ер ости майдонини ўзлаштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш, фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш масалаларини ҳал этиш;

77. Батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳаси иморатлар қуриш, шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш, жорий қурилиш учун меъморий-режавий топшириқларни беришга, бинолар ва иншоотлар, кўчалар, майдонлар, мураккаб транспорт кесишмалари, умумий фойдаланувда бўлган ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муҳандислик тармоқлари ва иншоотларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, шунингдек маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

78. Ихтисослашган йирик илмий, ўқув, тиббий, спорт, рекреация ва бошқа мажмуалар, дам олиш зоналари ва бошқа функционал зоналарни батафсил режалаштириш лойиҳалари туташ ҳудудларни ҳисобга олган

ҳолда бош режада белгиланган чегараларда бажарилади.

79*. Аҳоли пунктидаги жамоат марказининг батафсил режалаштириш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳисобий муддат, қоидага кўра, қурилишнинг биринчи навбатини яқин 5-7 йилга мўлжаллаб кўрсатган ҳолда, бош режани амалга оширишнинг ҳисобий муддати доирасида қабул қилинади.

Турар-жой ҳудудининг бошқа қисмлари, шунингдек турли функционал зоналарнинг бошқа батафсил режалаштириш лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳисобий муддатлари 5-7 йил деб қабул қилинади.

80. Бош режалари 1:10000 масштабда бажариладиган йирик ва энг йирик шаҳарлар учун батафсил режалаштириш лойиҳалари таркибида, тасдиқланган бош режадан сўнг юз берган қурилиш шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тумандаги асосий меъморий-режавий ечимларга аниқлик киритиш мақсадида шаҳарнинг режалаштириш туманини 1:5000 масштабдаги режалаштириш схемасини ишлаб чиқишга йўл қўйилади.

81. Батафсил режалаштириш лойиҳаларига тегишли графикали ва матнли материалларнинг таркиби 16-Иловада келтирилган.

82*. Батафсил режалаштириш лойиҳаларига тегишли графикали ва матнли материаллар қуйидаги ҳажмда бажарилади:

а) аҳоли пункти режасидаги лойиҳалаштирилаётган туманнинг жойлаштириш схемасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- турар-жой, саноат ва коммунал-омбор зоналари (районлари), дам олиш зоналари, кўкаламзорлар, магистраллар, темир йўл линиялари ва батафсил режалаштириш лойиҳаси қамраб оладиган худуднинг бошқа чегаралари, тумандаги режалаштирилган ва транспорт алоқалари атрофидаги иморатлар қурилиши билан;

б) таянч режасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- мавжуд қурилишлар (қурилишлардан озод туманлар учун – ердан фойдаланиш бўйича мавжуд ҳолатлар), қаватлилик, бинолар ва иншоотларнинг капиталлиги, уларнинг вазифаси, кўча тармоғи, автомобиллар тўхтаб туриш жойлари, турли сатҳдаги пиёдалар ўтиш жойлари, кўкаламзорлар, сув ҳавзалари, транспорт иншоотлари, кўприклар, туннеллар, дамбалар ва ҳ.к., муҳандислик ускуналарнинг магистраль тармоқлари ва асосий иншоотлари, омборлар, коммунал хўжалик объектлари, маданий мерос объектлари қўриқланадиган зоналар ва қурилишларни тартибга солиш зоналари билан, қурилишнинг барча турларига ажратиладиган ерларнинг чегаралари, лойиҳалаштириладиган қизил чизиқлар ва қурилишларни тартибга солиш бўйича бошқа чизиқлар;

- қишлоқ аҳоли пунктлари учун, ундан ташқари, томорқа участкалари, хўжалик қурилмалари ва хўжалик тор кўчалари ҳам туширилади;

в) қизил чизиқлар режаси (асосий тарх) мавжуд қурилиш эскизи лойиҳалаштириладиган туман чегарасидаги қурилишнинг меъморий-режавий ва ҳажмли-маконли ечимини аниқлаб бериши лозим.

Унда қуйидагилар кўрсатилиши керак: «б» нимбандда санаб ўтилган сақланиб қолинувчи қурилишларнинг барча турдаги элементлари ва табиий ландшафтнинг сақланадиган участкалари, шунингдек туманни режалаштириш ва унда иморатлар қуриш бўйича лойиҳавий таклифлар, лойиҳалаштириладиган қизил чизиқлар ва қурилишни тартибга солувчи бошқа чизиқлар.

Чизмада қурилишнинг биринчи навбатини ажратиб кўрсатиш зарур;

г) туманни режалаштириш ва унда иморатлар қуриш макетида бинолар ва иншоотлар, магистраль кўчалар, йўллар ва майдонлар, кўкаламзорлар ва муҳандислик иншоотлари лойиҳалаштириладиган туман чегарасида кўрсатилиши керак.

«в» ва «г» нимбандларга изоҳлар:

1. Иморатлар қуриш эскизи ёки макетида мавжуд қурилишларни ва лойиҳалаштириладиган бинолар ва иншоотларни ажратиб кўрсатиш тавсия этилади;

2. Макетдаги рельеф тасвири ҳамда бошқа талабларни ишлаб чиқиш учун берилган топшириқда келишиб олиш зарур.

д) қизил чизиқларнинг режалаштириш чизмасида лойиҳавий қизил чизиқлар тугунларининг координатлари ва бурилиш нуқталари ҳамда уларнинг шу жойга қўйилган геодезия белгилари, таянч бинолари ва иншоотларига туташ жойлари кўрсатилади;

е) транспорт ва пиёдалар ҳаракатини ташкиллаштириш схемасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим: магистраллар ва кўчалар таснифи, барча турдаги жамоат

транспортнинг тўхташ пунктлари, майдонлар, магистраль кўчалар ва йўлларнинг лойиҳавий ечимлари, транспорт ҳаракатининг йўналишлари, транспорт воситаларининг жамоат бинолари ёнидаги тўхтаб туриш жойлари, лойиҳалаштирилаётган туман ҳудудидаги жамоат ва хусусий транспортни доимий ва вақтинчалик сақлаш жойлари, асосий пиёда ҳаракат йўллари ва магистраль кўча ва йўллардаги ўтиш жойлари, пиёдалар зонаси, транспорт иншоотлари (эстакадалар, кўприк йўллар, туннеллар), транспорт узеллари ва чорраҳалар, ер ости транспорт иншоотларининг истиқболли қурилиши учун техник захира зоналар, хўжалик тор кўчалари.

Ушбу схема, аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини тегишли тарзда жойлаштириб (шартли белгилар билан), қабул қилинган транспорт тизимида боғлиқликда ва ушбу муассасалар хизмат кўрсатадиган зоналар чегарасини кўрсатган ҳолда, хизмат кўрсатиш тизимини ташкиллаштириш схемаси билан бирга қўшилиб ишлаб чиқилади;

ж) магистраль муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини жойлаштириш, ер ости майдонидан фойдаланиш схемасида қуйидагилар кўрсатилади: мавжуд сақланадиган, реконструкция қилинадиган ва тугатиладиган тармоқлар ва иншоотлар, лойиҳалаштирилаётган микро-райондан ташқарида бўлган ичимлик суви, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, телевидение, радио ҳамда телефон тармоқлари ва иншоотларининг трассалари, лойиҳалаштирилаётган тумандаги муҳандислик тармоқ-

ларининг шаҳар магистраль линиялари ва иншоотларига уланиш жойлари, ўтиш коллекторларидаги ер ости муҳандислик тармоқларининг қўшма ўтказиш участкалари ҳамда аҳоли учун мўлжалланган мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган йирик ер ости иншоотлари.

Схемадаги чизма деталлар ҳаддан ташқари кўп бўлган тақдирда муҳандислик ускуналари-нинг турлари бўйича алоҳида схемаларни бажаришга йўл қўйилади;

з) ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва вертикал режалаштириш лойиҳасида ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш (устқи қатлам сувларини қайтаришни ташкиллаштириш, сув босиши ва қисман сув босишидан ҳимоя қилувчи иншоотлар, суғориш ва сув чиқариш, тўлдирма ҳосил қилиш ҳамда ортиқча ерларни кесиб олиб ташлаш тизимлари ва ҳ.к.), вертикал режалаштириш (кўчалар ва тор кўчалар кесишган жойларда, кўндаланг рельеф тешилган жойлардаги ҳаракат йўлларининг ўқлари бўйича мавжуд ва лойиҳавий белгилар, лойиҳавий бўйлама нишабликлар) бўйича лойиҳалаштирилаётган тадбирлар кўрсатилади;

и) фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар схемасида кўзда тутиладиган тадбирларнинг таркиби ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш

ва тасдиқлашга доир Йўриқ-нома»нинг 5 бўлимига мувофиқ равишда белгиланади;

к) алоҳида тарҳда ёки альбомда, муҳандислик тармоқлари ва суғориш тарновларини жойлаштирган ҳолда, мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган кўчаларнинг кўндаланг профилларини кўрсатиш лозим;

л) 16-Иловада санаб ўтилганлардан ташқари, тарихан шаклланган қурилмаларга эга аҳоли пунктларининг алоҳида ҳудудларини реконструкция қилиш бўйича батафсил режалаштириш лойиҳасининг графикали материаллари таркибида қуйидагилар ишлаб чиқилади:

- лойиҳалаштирилаётган ҳудуддаги реконструкция қилиш ишларининг комплекс схемаси, унда лойиҳалаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, бузиладиган, сақланадиган, капитал таъмирланиши, модернизация қилиниши, кенгайтирилиши ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қайта жиҳозланиши керак бўлган бинолар ва иншоотлар кўрсатилади;

- реставрация қилиниши лозим бўлган тарихий ва маданий ёдгорликлар, турли функционал мақсадларга эга лойиҳалаш-тирилаётган ҳудудлар.

Схемада реконструкция бўйича тадбирларнинг биринчи навбати ажратиб кўрсатилади.

Тарихий аҳамиятли қурилишга эга шаклланган аҳоли пунктлари учун буюртмачи билан келишган ҳолда ва унинг маблағлари ҳисобига лойиҳалаштирилаётган бинолар ва иншоотларни ҳамда кўчалар, қирғоқ бўйи кўчалари ва ҳ.к.ларнинг ёйма ҳолати чизилган фотопанорамалар бажарилади;

м) шаҳарсозлик нуқтаи назарида муҳимроқ бўлган айрим участкалар учун буюртмачи билан келишган ҳолда ва унинг маблағлари ҳисобига шаҳарсозлик ансамбллари (майдонлар, кўчалар, қирғоқ бўйи кўчалари, хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқ.) қуришнинг эскизли лойиҳаларини бажариш тавсия этилади.

Шаҳарсозлик ансамблини қуришнинг 1:1000–1:500 масштабда бажарилган эскиз лойиҳасида батафсил режалаштириш лойиҳасида қабул қилинган ҳажмли-маконли ва композицион ечимларга аниқлик киритилади, шунингдек ансамбл таркибига кирувчи алоҳида бинолар ва иншоотларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган шартлар ва кўрсаткичлар конкретлаштирилади;

н) тушунтириш хатида қуйидагилар баён этилиши керак:

- асосий ҳужжатлар ва материаллар рўйхати, табиий шароитларнинг қисқача тавсифи,

- ҳудуддан жорий фойдаланиш таҳлили, мавжуд қурилишлар (биноларнинг мақсади, қаватлиги, капиталлиги ва ҳ.к.), маданий мерос объектлари, муҳандислик ускуналаш, транспорт, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш тавсифи;

- қурилишнинг меъморий-режавий ва ҳажмли-маконли ечими, барча турдаги янги қурилишлар ҳажми, турар-жой ва жамоат биноларининг турлари, биноларни бузиш кетма-кетлиги ва ҳажми, сақланадиган бино ва иншоотларни реконструкция ва модернизация қилиш, кўкаламзор-

лаштириш тизими, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича лойиҳада қабул қилинган таклифларни асослаш (зарур ҳолатларда – шаҳарсозлик ансамбли эскиз лойиҳасининг алоҳида участкаларига йирик-роқ масштабда қўшимча ишланмани асослаш);

- аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини ташкиллаштириш, шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш, хўжалик қурилмаларини жойлаштириш, транспорт хизмати ва пиёда ҳаракатни ташкил этиш бўйича таклифлар;

- муҳандислик ускуналаш ва худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлашнинг қабул қилинган схемаларини асослаш;

- ер ости майдонидан комплекс фойдаланиш бўйича таклифлар ҳамда атроф-муҳитни яхшилашга кўмаклашувчи шаҳарсозлик тадбирларининг баёни.

- худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш;

- ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»га мувофиқ равишда фуқаролик ҳимоясининг техник-муҳандислик тадбирлари бўйича таклифлар.

Хатда лойиҳанинг зарур техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилади, 26-Иловага биноан лойиҳаларни амалга ошириш ҳажмлари ва кетма-кетлиги бўйича қабул қилинган қарорлар асосланади.

Батафсил режалаштириш лойиҳасининг графикали ва матнли материаллари шаҳарсозликни режалаштиришнинг замонавий компьютер технологиялари асосида бажарилиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда амалга ошириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларга киритилиши лозим.

XI. ҚУРИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ

83. Аҳоли пункти ёки унинг худудининг қисмлари қурилишини тартибга солиш чегараларининг лойиҳаси тасдиқланган бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида ишлаб чиқилади.

84. Қурилишни тартибга солиш чегараларининг лойиҳаси кўча ва майдонларнинг қизил чизиқларини, суви қўриқланадиган зоналар чегараларини, қўриқланадиган тарихий ва маданий ёдгорликлар зоналарининг чегараларини, ерлардан фойдаланиш чегараларини, давлат, шаҳар (қўрғон), хусусий ва бошқа мулкчилик шаклларига оид худудларининг функционал зоналари чегараларини, шунингдек кўчаларнинг кўндаланг профилларини бош режага киритилган шаҳар магистралларининг таснифига мувофиқ равишда белгилайди.

85. Қурилишни тартибга солиш чегараларининг лойиҳаси топография асосида 1:2000 (1:5000) масштабда, уларни кейинчалик (ишчи лойиҳалаштириш босқичида) 1:500 масштабда ҳисоблаб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

86. Қурилишни тартибга солиш чегаралари лойиҳасининг ҳисобий муддати тасдиқланган бош режанинг амал қилиш муддатига тўғри келади.

87. Қурилишни тартибга солиш чегараларини ўзгартиришга айрим ҳолларда, тегишли техник-иқтисодий асослар мавжуд бўлганида йўл қўйилади.

88. Қурилишни тартибга солиш чегаралари лойиҳасининг таркибида асослаб берувчи схемаларга эга асосий тарҳ ва чегаралар 20-Иловага биноан баён этилган тушунтириш хати билан биргаликда келтирилади.

Қурилишни тартибга солиш чегаралари лойиҳасининг графикали ва матнли материаллари шаҳар-созликни режалаштиришнинг замонавий компьютер технологиялари асосида бажарилиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда амалга ошириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларга киритилиши лозим.

ХII. ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ

89. Қурилиш лойиҳалари янги ёки реконструкция қилинадиган микрорайонлар ва мавзелар, шаҳар-созлик мажмуалари ёки микрорайонлар (мавзелар) қурилиши навбатларининг ҳудудлари учун, шунингдек турар-жой ва жамоат бинолари гуруҳларининг участкалари учун, қоидага кўра, батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида ишлаб чиқилади.

Истисно тариқасида қурилиш лойиҳасини батафсил режалаштиришнинг тасдиқланган лойиҳасисиз бажаришга йўл қўйилади. Бу ҳолатда қурилиш лойиҳаси аҳоли

пунктининг бош режаси асосида бажарилади.

90*. Қурилиш лойиҳасида:

- лойиҳалаштирилаётган ҳудуд чегаралари доирасида қурилишнинг меъморий-режавий ечимлари ва ҳажмли-маконли композицияси конкретлаштирилади, турар-жой ва жамоат биноларининг қўлланиладиган турлари, шаҳарсозлик мажмуалари ёки қурилиш навбатларининг жойлашуви ва чегаралари, уларга кирувчи объектлар таркиби ва қурилишининг кетма-кетлигига аниқлик киритилади;

- рельефни ташкиллаштириш, муҳандислик ускуналаш, муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масалалари, фуқаролик ҳимояси бўйича техник муҳандислик тадбирлари ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»нинг 6-бўлимига мувофиқ ҳажмларда ҳал этилади;

- лойиҳанинг техник иқтисодий кўрсаткичлари, смета қиймати ва қурилишни ташкиллаштириш тартиби белгиланади.

91. Микрорайонларни қуриш, умуман, микрорайон бўйича қурилишнинг комплекслилик тамойилига амал қилган ҳолда, қурилишнинг белгиланган навбатлари бўйича амалга оширилади.

92. Микрорайонлар, мавзелар, шаҳарсозлик мажмуаларининг қурилиши ёки уларнинг қурилиш

навбатлари, шунингдек турар-жой ва жамоат бинолари гуруҳлари участкаларининг лойиҳалари икки босқичда бажарилиши мумкин:

а) қийматнинг йиғма смета ҳисоби лойиҳаси (лойиҳа);

б) сметаларни ўз ичига олган иш ҳужжатлари.

Микрорайон (мавзе) ёки турар-жой ва жамоат бинолари гуруҳлари участкаси қурилишининг биринчи навбатини лойиҳалаштиришда биринчи босқичда қуйидагилар ишлаб чиқилади:

- микрорайондаги муҳандислик, тармоқларининг схемаси, рельеф, ирригация, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни ташкиллаштириш схемаси;

- шаҳарсозлик мажмуалари ёки микрорайон (мавзе) қурилиши навбатининг таркиби ва чегаралари, турар-жой бинолари, иншоотлар турларига аниқлик киритилади ва белгиланади, шунингдек асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар белгиланади ва бутун микрорайон (мавзе) қурилишининг қиймати йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

- кўргазмали чизма материал планшетлар ёки чизма тахталарда бажарилади ҳамда бутун микрорайон (мавзе) қурилишининг макети тайёрланади.

Агар кейинги шаҳарсозлик мажмуалари ёки қурилиш навбатларининг қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда қурилишнинг олдиндан келишилган меъморий-режавий ва ҳажмли-маконли ечимларига тузатиш киритилса, унда микрорайон (мавзе)нинг бош режаси, микрорайондаги муҳандислик тармоқларининг схемалари, қурилиш қийма-

тининг ҳисоб-китоби ва микро-район (мавзе)нинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, зарур ҳолатда, буюртмачи ва тегишли ҳокимият билан такрорий равишда мувофиқлаштирилади.

93. Тўлиқ реконструкция қилинадиган микрорайонлар ёки мазеларни лойиҳалаштириш ишлари икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда, зарур ҳолатларда, реконструкция қилиш навбатлари ажратиб кўрсатилиб, бутун микрорайон (мавзе) қурилишининг лойиҳаси бажарилади.

Иккинчи босқичда, бутун микрорайон (мавзе) ёки реконструкция қилиш навбати сметаларини ўз ичига олган ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Мавжуд микрорайонлар ёки мавзеларнинг реконструкция қилинадиган алоҳида участкаларидаги қурилиш лойиҳалари ҳам худди шу тартибда ишлаб чиқилади. Бу ҳолатда лойиҳалаштиришнинг биринчи босқичидаги материаллар таркибига меъморий-режавий ва ҳажмли-маконли ечимлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари, муҳандислик коммуникациялари ва микро-район (мавзе)нинг реконструкция қилинадиган ва мавжуд қисмларини ободонлаштириш билан боғлаган ҳолда асослаб берувчи чизмалар, схемалар ва ҳисоб-китоблар киритилади.

94. Қурилиш лойиҳаси таркибига кирувчи алоҳида бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Қорхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, уларни

ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

95. Микрорайон (мавзе) қизил чизиқларига туташган шаҳар кўчалари ва майдонларини лойиҳалаштириш қурилиш лойиҳасини бажариш бўйича ишлар таркибига кирмайди. Шаҳар кўчаларини ободонлаштириш билан бирга лойиҳалаштириш, шунингдек микрорайон (мавзе) объектларини ишга тушириш учун зарур бўлган шаҳар муҳандислик коммуникациялари ва иншоотларини лойиҳалаштириш ишлари, қоидага кўра, қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин алоҳида шартнома бўйича бажарилиши керак.

96. Шаҳарсозлик комплекслари ёки микрорайон (мавзе) қурилиши навбатларининг қурилиш лойиҳалари таркибида тор кўчалар, пиёдалар учун мўлжалланган йўлчаларни барпо этиш бўйича ишлар ҳажмини белгилашда, лойиҳалаштирилаётган мажмуа таркибидаги бино ва иншоотлар ёки қурилиш навбатини ишга тушириш ва нормал фаолият юритиши мумкин бўлмаслик шартида лойиҳалаштирилаётган мажмуа ёки қурилишнинг биринчи навбати чегараларидан ташқарида жойлашган микрорайоннинг ички тор кўчалари ва пиёдалар учун мўлжалланган йўлчалари ҳамда муҳандислик тармоқларининг шундай участкалари қурилиши бўйича иш ҳажмлари киритилиши керак.

97. Қурилиш лойиҳалари (икки босқичли ёки бир босқичли) 17, 18 ва 19 Иловаларда келтирилган графикали ва матнли материаллар таркибида бажарилади.

98. Графикали ва матнли материаллар қуйидаги ҳажмда ишлаб чиқилади:

а) «Умумий маълумотлар» варағида лойиҳанинг таркиби келтирилади, қурилиш ҳудудларида жойлаштириладиган турар-жой ва жамоат биноларининг қайдномалари берилди, лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилади. Зарур ҳолатларда, лойиҳада қабул қилинган ва давлат андозалари ва қурилиш учун лойиҳавий ҳужжатлар тизимида мавжуд бўлмаган шартли тасвирлар келтирилади. Алоҳида ҳолатларда кўрсатилган варақ ўрнига қурилишнинг бош режасида унинг мазмуни берилди;

б) қурилишнинг бош режасига барча лойиҳалаштирилаётган, сақланадиган ва реконструкция қилинадиган бинолар ва иншоотлар туширилади, турар-жой биноларининг секциялилиги; биноларни икки томонлама кесиб ўтадиган йўлаклар, жамоат биноларининг участкалари, тор кўчалар ва пиёдалар учун мўлжалланган йўллар, турли мақсадларга мўлжалланган майдончалар, кўкаламзорлар кўрсатилади. Қурилишнинг бош режаси тарҳида 1:10000, 1:5000 ёки 1:2000 масштабдаги вазиятли режа келтирилади, унда лойиҳалаштирилаётган микрорайон, мавзе ёки шаҳарнинг аҳоли яшайдиган ҳудудидаги бинолар гуруҳининг жойлашуви кўрсатилади;

в) йўл тўшамалари режасида тор кўчалар, пиёдалар учун мўлжалланган йўлчалар ва турли мақсадларга мўлжалланган майдончаларнинг жойлашуви, кенглиги ва ўлчамлари, тўшамаларининг тур-

лари кўрсатилади. 1:20 масштабдаги тархда, мавжуд ва лойиҳавий ер усти ва ер ости муҳандислик тармоқларини кўрсатган ҳолда, тор кўчалар, йўллар ва майдончаларнинг (кўндаланг профиллари) конструктив кесимлари кўрсатилади;

г) ирригация ва кўкаламзорлаштириш режасида лойиҳалаштирилаётган ва сақланиб қолинадиган кўкаламзорлар (ассортиментини кўрсатган ҳолда), кичик меъморий шакллар, турли мақсадларга мўлжалланган майдончаларнинг жиҳозланиши кўрсатилади, қўлланган турлар ҳамда кичик меъморий шакллар, майдончаларнинг жиҳозланиши, суғориш ва ташлама ариқларнинг намунали ва индивидуал лойиҳалари келтирилади;

д) рельефни ташкиллаштириш схемасида қуйидагилар кўрсатилади:

- барча бинолар ва иншоотлар биринчи қаватларидаги полларининг лойиҳавий белгилари, шунингдек бинолар бурчаклари бўйлаб нишаб йўлкаларнинг қора ва қизил белгилари;

- лойиҳавий горизонталлар, тор кўчалар ўқлари бўйлаб нишаблар; тор кўчалар ва пиёда йўлларнинг кўндаланг профиллари бурилган жойларда улар ўқларининг кесишувларидаги лойиҳавий ва табиий белгилар;

е) ер массаси режасига режалаштирилаётган ҳудуд чегараси, асосий бинолар ва иншоотларнинг контурлари, қурилишнинг координата сеткаси ёки асос линияси, бурчаклари бўйлаб лойиҳавий натура ва ишчи белгиларга эга квадратлар ҳар бир квадрат доирасидаги грунт ҳажмлари билан бирга туширилади.

Тархда ер массаларининг баланси жадвал шаклида берилади;

ж) муҳандислик тармоқлари схемаларида муҳандислик коммуникацияларининг трассалари кўрсатилади, асосий параметрлар келтирилади (трубаларнинг материали ва диаметрлари, уларни ётқизиш чуқурлиги, каналларнинг кесишмалари, кабелларнинг кесишмалари ва миқдори, характерли нуқталар ўртасидаги лойиҳалаштирилаётган участкаларнинг узунлиги ва бошқа маълумотлар), микрорайон бўйича муҳандислик ускуналарнинг иншоотларининг жойлашуви ва коммуникацияларнинг майдончадан ташқаридаги тармоқлар ва иншоотларга уланиш жойлари кўрсатилади;

з) намунавий блок-секциялардан ташкил топган уйларни жойлаш-тириш схемалари уйнинг координата ўқларини ва ўқлар орасидаги масофани кўрсатган ҳолда бажарилади. Тархларда намунавий блок-секциялар, тўсиқ кўйиш элементларининг белгилари ва турар-жой биносидаги блок-секцияларнинг тартиб рақамлари келтирилади. Уй схемасининг бурчаклари бўйлаб лойиҳавий ва натурали (вертикал) ер белгилари туширилади. Тархда 0,000 шартли белгисининг абсолют қиймати ва топшириқ бўйича асосий техник-иктисодий кўрсаткичлар жадвали берилади.

Зарур ҳолатларда, маҳаллий қурилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда қурилишнинг ифодалилиги ва хилма-хиллигига эришиш мақсадларида фасадлар, қўлланиладиган лойиҳанинг алоҳида режалаштириладиган ва

конструктив ечимларининг кам-кўстини тўлдиришга йўл қўйилади;

и) қурилиш лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хатида қабул қилинган меъморий-режавий ва ҳажмли-маконли ечимлар, турар-жой ҳамда бошқа бино ва иншоотлар лойиҳаларининг амалга ошириш учун қўлланган қурилишнинг кетма-кетлиги, уларнинг конструктив ечимлари, шу жумладан муҳандислик ускуналаш асослаб берилади, хонадонлар турларининг таркиби ва уларнинг демографик талабларга мос келиши асосланади; аҳолига кундалик хизмат кўрсатувчи бинолар ва қурилмаларга бўлган эҳтиёж бўйича ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари ва бошқа объектларнинг зарур миқдорига аниқлик киритилади, лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари 27-Иловага мувофиқ равишда берилади.

Тушунтириш хатида муҳандислик ускуналашни бошқариш, турар-жой биноларининг санитария ва техник эксплуатацияси бўйича таклифлар берилади;

к) қурилишни ташкил этиш лойиҳаси унга тааллуқли амалдаги меъёр талаблари ва мазкур йўриқномаси қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади;

л) смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида “Корхона-лар, бинолар ва иншоотлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” ва “Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши қийматини белгилаш бўйича услубий кўрсатмалар”

талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади;

м) Планшетлардаги намоиш материаллари лойиҳалаштириш бўйича топшириқда кўрсатилган ҳажмда бажарилади ва микрорайон (мавзе)нинг меъморий-режавий ва ҳажмли-маконли ечимини характерлайди. Ушбу материаллар таркибида магистраллар бўйича қурилишларнинг меъморий ёйма ҳолати, режалаштириш ва қурилиш қисмларининг тархлари ихтиёрий масштабда бажарилади ва фасадларнинг ранглари бўйича ечими ҳам берилади;

н) қурилиш макети қурилиш бош режасининг асосий тарҳи масштабида тайёрланади. Зарур ҳолатларда, лойиҳалаштиришга берилган топшириққа мувофиқ макетнинг алоҳида фрагментлари йирикроқ масштабда бажарилади.

99. Лойиҳалаштирилаётган микрорайон ёки мавзе ҳудудида индивидуал лойиҳалар бўйича бинолар ва иншоотлар, шунингдек микрорайон аҳамиятидан ташқарида бўлган биноларнинг қурилиши кўзда тутилган ҳолатларда, қурилиш лойиҳасида ушбу бинолар ва иншоотларнинг жойлашув ўрни ва ҳажмли-маконли ечими белгиланади.

Бундай объектлар учун лойиҳа ҳужжатлари микрорайон (мавзе) қурилиши лойиҳасидан алоҳида тарзда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

100. Лойиҳа ҳужжатининг таркиби, ҳажми, уни ишлаб чиқиш босқичларининг кетма-кетлигига Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси билан

келишилган лойиҳалаштириш топшириғида аниқлик киритилади.

Қурилиш лойиҳасининг графикали ва матнли материаллари электрон форматда бажарилиши ва давлат шаҳарсозлик кадастри ҳамда амалга ошириш мониторингини юритиш мақсадларида электрон ташувчиларга киритилиши лозим.

XIII. ШАҲАР (ҚЎРҒОН) ЧЕГАРАСИ ЛОЙИҲАСИ

Шаҳар (қўрғон) чегарасининг лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг 11.09.1997 йилдаги буйруғи билан кучга киритилган “Шаҳар (қўрғон) чегараси лойиҳаларнинг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома” асосида амалга оширилади.

XIV. ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ

105*. Шаҳарсозлик ҳужжатлари, тасдиқланишга тақдим этилгунга қадар буюртмачи билан мувофиқлаштирилиши лозим, давлат ва экология экспертизаси ўтказилгунга қадар эса, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан мувофиқлаштирилиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар билан мувофиқлаштирилиши керак бўлган шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳа ташкилоти томонидан тақдим этилади, давлат ва экология экспертизасини ўтказиш учун эса алоҳида шартнома бўйича буюртмачи томонидан тақдим этилади.

106. Мувофиқлаштиришнинг тўлалиги ва уларнинг белгиланган

тартибга мувофиқлиги учун жавобгарлик шаҳарсозлик ҳужжатини ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти ва уни тасдиқлаш учун тақдим этувчи идора зиммасига юклатилади.

107. Шаҳарсозлик ҳужжатлари барча ташкилотларда кўриб чиқилганида, уни ҳимоя қилиш ушбу ҳужжатларни ишлаб чиққан лойиҳа ташкилотига ва шаҳар ёки вилоят ҳокимиятининг архитектура ва шаҳарсозлик бошқармаси органига юкланади.

108. Шаҳарсозлик ҳужжатларини бир пайтнинг ўзида барча манфаатдор идоралар ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилишини ташкил этиш ишлари Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармалари томонидан амалга оширилиши мумкин. Ушбу мақсадларда мазкур идоралар ҳузурида вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий ташкилотлари вакилларида иборат идоралараро комиссиялар тузилиши мумкин.

109*. Шаҳарсозлик ҳужжатлари мувофиқлаштирилиш учун тақдим этилган вазирликлар, идоралар ва уларнинг ташкилотлари, ушбу ҳужжатларни кўриб чиқади ва лойиҳа ташкилоти томонидан зарур матнли ва графикали материаллар тақдим этилган пайтдан бошлаб, бир ойлик муддат ичида улар бўйича қарор чиқаради.

Агар тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа манфаатдор

ташкilotлар, лойиха ечимларига принципиал розилик берганликлари, кўрсатилган хулосани тақдим этишса, шаҳарсозлик хужжатлари мувофиқлаштирилган деб ҳисобланади.

Изоҳ: 1. Мувофиқлаштирувчи ташкilot ўз хулосасини белгиланган муддатда, жўнатмаган ва уни кўриб чиқиш муддатини узайтиришни келишмаган ҳолатда, шаҳарсозлик хужжати мувофиқлаштирилган деб ҳисобланади.

2. Ҳар бир конкрет ҳолатда вазирликлар ва идоралар рўйхати Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан шаҳар мақоми ва тоифасига қараб белгиланади.

110. Ишлаб чиқилган шаҳарсозлик хужжатларини кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш жараёнида юзага келадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар, уни тасдиқлашга тақдим этишдан олдин лойиха ташкilotи томонидан киритилади.

Лойиха турли ташкilotлар томонидан кўриб чиқилиши давомида, келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш зарурати уни тасдиқлашга тақдим этган идора томонидан белгиланади.

Шаҳарсозлик хужжатлари тасдиқланганидан кейингина яқунланган ҳисобланади.

111*. Тасдиқланган шаҳарсозлик хужжатларини ўзгартирувчи ўзгаришларни киритишга, фақат уни тасдиқлаган органлар қарори бўйича ва бош лойихалаштирувчи билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА АҲОЛИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ БОШ СХЕМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕС- ПУБЛИКАСИНИ РЕЖАЛАШ- ТИРИШ СХЕМАСИ

112. Ўзбекистон Республикаси худудида, аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси ва Ўзбекистон Республикаси худудини режалаштириш Схемаси Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

113. Ўзбекистон Республикаси худудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси ва Ўзбекистон Республикаси худудини режалаштириш Схемаси тасдиқланишга тақдим этилгунга қадар манфаатдор тармоқ вазирликлари, идоралари ва ташкilotлари билан, мажбурий равишда мувофиқлаштирилиши лозим.

Мувофиқлаштирувчи ташкilotлар рўйхатига, кўрсатилган схемаларни ишлаб чиқишга берилган топшириқда аниқлик киритилади.

Ўзбекистон Республикаси худудида аҳолини жойлаштиришнинг Бош схемаси ва Ўзбекистон Республикаси худудини режалаштириш Схемаси мувофиқлаштирилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан “Давархитектқурилиш” қўмитаси ҳузурида, махсус ташкил этиладиган экспертлар гуруҳи томонидан, давлат экспертизасидан ўтказилади ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги, Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ВА
ВИЛОЯТЛАР ХУДУДЛАРИНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ
СХЕМАЛАРИ, ТУМАН
(ТУМАНЛАР ГУРУҲИ)НИ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ЛОЙИҲАЛАРИ, ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ
ХУДУДЛАРИНИ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ЛОЙИҲАЛАРИ**

114. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятларининг тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

115*. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемалари, тасдиқланишга тақдим этилгунга қадар, қуйидагилар билан мувофиқлаштирилиши лозим:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимияти;

б) Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари;

в) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат қўмитаси;

д) «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси;

е) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси;

ж) «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси;

з) «Ўзавтойўл» Давлат концерни;

и) «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси;

к) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги;

Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари бўлими, лойиҳалаштиришга берилган топшириқда кўрсатилган манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан мувофиқлаштирилади.

116. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларини режалаштириш схемалари мувофиқлаштирилганидан кейин улар Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг буйруғи билан махсус ташкил этиладиган экспертлар гуруҳи томонидан экспертизадан ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

117. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг тақдими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимияти томонидан тасдиқланади.

118*. Тасдиқланишга тақдим этилгунга қадар, туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳаси қуйидагилар билан мувофиқлаштирилади:

а) тегишли туманларнинг давлат ҳокимияти органлари;

б) иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, қишлоқ, сув, коммунал, йўл хўжаликлари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг вилоят бошқармалари, ёдгорликлар ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишга берилган топшириқда белгиланган вилоятдаги бошқа манфаатдор хизматлар;

Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар бўлими таркиби лойиҳалаштиришга берилган топшириқ билан белгиладиган манфаатдор ташкилотлар билан мувофиқлаштирилади.

119. Туман (туманлар гуруҳи)ни режалаштириш лойиҳалари мувофиқлаштирилганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитасининг буйруғи билан, махсус ташкил этиладиган экспертлар гуруҳи томонидан экспертизадан ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқилади

120*. Қишлоқ аҳоли пунктлари бош тарҳлари ва фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштириш лойиҳалари ШНҚ 1.03.10-06 – “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, аҳоли қишлоқ пунктларининг ҳудудини режалаштириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш режалаш-

тириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келиши ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг VII қисмига мувофиқ амалга оширилади.

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИ

121*. Тошкент, Нукус, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Урганч, Фарғона, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Олмалик, Ангрен, Зарафшон, Чирчиқ, Толимаржон, Қувасой шаҳарларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг тақдими бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

122. Бошқа шаҳар аҳоли пунктларининг бош режалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан тасдиқланади.

123*. Аҳоли пунктининг бош режаси тасдиқланишга тақдим этилгунга қадар, буюртмачи ва рўйхатлари лойиҳалаштиришга берилган топшириқда белгиланган манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан мувофиқлаштирилади.

Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари бўлими ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг

муҳандислик-техник тадбирлари бўлимнинг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»нинг 7.9 ва 7.11 бандларига биноан мувофиқлаштирилади.

124. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик-лари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланиш учун тақдим этиладиган аҳоли пунктларининг бош режалари, Ўзбекистон Республикаси “Давархитекткурилиш” кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги, Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқилади. “Давархитекткурилиш” кўмитаси бош режа кўриб чиқиш учун, тақдим этилган пайдан бошлаб 2 ойгача бўлган муддат ичида, ўз қарорини қабул қилади.

125*. Аҳолисининг ҳисобий сони 50 минг кишигача бўлган шаҳар, аҳоли пунктларининг бош режалари, шу аҳоли пунктлари жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳар, туман, вилоят ҳоким-ликлари, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги, коммунал ва йўл хўжалиги, газ таъминоти, Давлат ёнғин назорати (ДЁН) органлари, электр таъминоти ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоят бошқармалари билан мувофиқлаштирилади.

Ҳудудларда аэропортлар, темир йўл ва сув транспорти станциялари мавжуд бўлганида, бош режалар ушбу хизматларнинг тегишли бошқармалари билан ҳам мувофиқлаштирилади.

Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари бўлими ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида, фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимнинг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»нинг 7.9 бандига биноан мувофиқлаштирилади.

126*. Аҳолисининг ҳисобий сони 50 минг кишидан зиёд бўлган шаҳар аҳоли пунктларининг бош режалари иқтисодиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси, Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат кўмитаси, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзавтойўл” Давлат концерни, ҳудудида лойиҳалаштирилаётган шу аҳоли пункти жойлашган вилоят давлат ҳокимияти органлари, шаҳар ҳокимликлари ҳамда шаҳар хўжалиги шаҳар бошқармалари ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан мувофиқлаштирилади.

Аэропортлар мавжуд бўлганида, шаҳарларнинг бош режалари “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси билан, сув транспорти мавжуд бўлганида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармаси билан, темир йўл станцияси мавжуд бўлганида “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси билан мувофиқлаштирилади.

Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари

бўлими ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»нинг 7.8 бандига биноан мувофиқлаштирилади.

127. Аҳоли пунктининг бош режаси, лойиҳанинг ишлаб чиқишга берилган топшириққа ва ҳудудни режалаштиришнинг тасдиқланган схемалари ва лойиҳалари ечимларига тўғри келиш қисмида, шаҳарсозлик бўйича бош лойиҳа ташкилоти билан мувофиқлаштирилади (агар у бош режани ишлаб чиқишда иштирок этмаган бўлса).

128. Фойдали қазилмалар конлари, мавжуд майдонларда ёки уларга чегарадош зонада жойлашган аҳоли пунктининг бош режаси, Давлат геология қўмитаси ва Давлат кон назорати органлари билан мувофиқлаштирилади.

129*. Маданий мерос объектларига эга аҳоли пунктларининг бош режалари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари бўйича вазирлик, ҳамда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш органлари билан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мувофиқлаштирилади.

130. Республика ва маҳаллий аҳамиятга эга курортларнинг бош режалари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан мувофиқлаштирилади.

131. Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари, ва уларга дахлдор барча шаҳарсозлик ҳужжат-

лари ШНҚ 1.03.10-06 – “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, аҳоли қишлоқ пунктларининг ҳудудини режалаштириш ва куришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш режалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келиши ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”нинг VII бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

132*. Қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва ҚХК ҚМРТ лойиҳалари темир йўл транспорти тармоғи мавжуд бўлганида, тегишли хизматлар билан мувофиқлаштирилади.

Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари бўлими ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»нинг 7.10 бандига биноан мувофиқлаштирилади.

133. Бош режани ишлаб чиқиш жараёнида лойиҳа ташкилоти иш тартибида бош режа ечимларини манфаатдор ташкилотлар билан куйидаги масалалар бўйича мувофиқлаштиради:

а) ер, меҳнат, сув, ёнилғи-энергетика, курорт ва бошқа захиралар, табиий муҳит муҳофазаси мавжудлиги ва улардан фойдаланиш;

б) саноат ва транспортнинг (автомобил, темир йўл, сув, ҳаво, қувур йўллари) янги корхона ва иншоотларини жойлаштириш, ҳамда мавжудларини ривожлан-

тириш, реконструкция қилиш ёки тугатиш;

в) санитария-ҳимоя зоналарини ташкил қилиш, аҳолини кўчириш ҳамда болалар ва даволаш-профилактика муассасаларини, шунингдек зарарли ишлаб чиқариш объектларини янги базага кўчириб келтириш;

г) маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш.

134. Шаҳар аҳоли пунктлари, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга курорт, шаҳарлар, ҳамда маъмурий туман марказлари ҳисобланган кишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари, мазкур “Йўриқнома”нинг 116-бандида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан давлат экспертизасидан ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги, Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

135*. Аҳолисининг ҳисобий сони 250 минг ва ундан кўп бўлган шаҳарлар учун, лойиҳавий ишларнинг мустақил босқичи кўринишида ишлаб чиқилган, шаҳар бош режасининг техник-иқтисодий асослари (ТИА) бош режалар учун, белгиланган тартибда мувофиқлаштирилади ва тасдиқланади.

Бу ҳолда, бош режани кейинги ишлаб чиқишда, ТИА мувофиқлашувлари сақлаб қолинади ва вазирликлар, ҳамда идоралар билан такрорий мувофиқлаштирув талаб этилмайди.

Такрорий мувофиқлаштирув зарурати Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан белгиланади.

ТИА босқичида мувофиқлаштирилган ечимларга амал қилиш учун, жавобгарлик бош режани ишлаб чиқаётган лойиҳа ташкилотига юклатилади.

БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

136. Тасдиқланган бош режаларни ривожлантириш учун, ишлаб чиқилган Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг маъмурий марказлари, ҳамда маданий мерос объектларига эга шаҳарларнинг марказий қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари, мазкур “Йўриқнома”-нинг 116-бандида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилади ва Тошкент шаҳар ҳокимияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли тармоқ хизматлари билан мувофиқлаштирилганидан кейин, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар давлат ҳокимияти органларининг тақдими билан, Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси томонидан тасдиқланади.

137*. Бошқа шаҳарлар ва Тошкент шаҳрининг бош қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитасининг шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси бўйича, ҳудудий бошқармалари томонидан давлат экспертизасидан ўтказилади ва ҳокимликлар, ҳамда уларнинг тармоқ хизматлари билан мувофиқлаштирилганидан кейин Қорақал-

поғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бўйича бош бошқармаларининг тақдими бўйича, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан тасдиқланади.

Фуқаролик ҳимояси бўйича, техник-муҳандислик тадбирлари бўлими ШНҚ 1.03.11-07 «Ўзбекистон Республикасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларнинг бош режасида, фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари бўлимининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, тегишли идоралар билан келишиш ва тасдиқлашга доир Йўриқнома»нинг 7.12 бандига биноан мувофиқлаштирилади.

ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ, ҚУРИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ

138. Қурилиш лойиҳаси ва қурилишни тартибга солиш чегараларининг лойиҳаси, Қорақалпоғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси, вилоятлар (Тошкент.ш.) Архитектура ва қурилиш бўйича бош бошқармалари билан, мувофиқлаштирувга кўра ва аҳоли пунктларининг тармоқ хизматлари билан, тегишли тарзда мувофиқлаштирилганидан ва давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин, қурилиш лойиҳаси буюртмачисининг тақдими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар (Тошкент ш.) ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

ШАҲАР (ҚЎРҒОН) ЧЕГАРАСИ ЛОЙИҲАСИ

39. Шаҳарларнинг шаҳар чегараси лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Қорақалпоғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси), вилоятлар (Тошкент ш.) Архитектура ва қурилиш бўйича бош бошқармалари билан мувофиқлаштирилганидан кейин, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар (Тошкент ш.) давлат ҳокимияти органларининг тақдими бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

140. Шаҳар қўрғонлари чегараси лойиҳаси, Қорақалпоғистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кўмитаси, вилоятлар Архитектура ва қурилиш бўйича бош бошқармалари билан мувофиқлаштирилганидан кейин, тегишли туман ҳокимликларининг тақдими бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят давлат ҳокимияти органи томонидан тасдиқланади.

141. Қишлоқ аҳоли пунктларининг қўрғон чегараси лойиҳаси, вилоят Архитектура ва қурилиш бўйича бош бошқармасининг тақдими бўйича, туман давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

142. Шаҳар чегараси лойиҳасини кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш тартиби 30-Иловада келтирилган.

«КЕЛИШИЛГАН»

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

200__й. «__» _____

200__й. «__» _____

**Шаҳарсозлик бўйича режалаштиришнинг бирлашган схемалари,
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳудудларини режалаштириш
схемалари, туман (туманлар гуруҳи)ни, шаҳар агломерациясини
режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш
топшириғи**

1. Лойиҳалаштирилаётган объектнинг номланиши

2. Ишлаб чиқиш учун асос

3. Лойиҳалаштириш объектнинг асосий тавсиялари, шу жумладан:

- ҳудуди

МИНГ.КМ²

хусусан: суғориладиган ерлар

МИНГ.КМ²

- аҳолисининг жорий сони

МИНГ КИШИ

шу жумладан:

- шаҳарларда

МИНГ КИШИ

- шаҳар типигадаги қўрғонларда

МИНГ КИШИ

- қишлоқ аҳоли пунктларида

МИНГ КИШИ

- саноат ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган тармоқлари

- қишлоқ хўжалигининг ихтисослашган тармоқлари

- автомобил транспорти ва йўлларнинг ҳолати

- турар жой фонди ва ижтимоий инфратузилма муассасаларининг ҳолати

- дам олиш ва сайёҳлик муассасаларининг ҳолати

- муҳандислик ускуналанишнинг жорий ҳолати

- қурилиш базасининг жорий ҳолати

- ўзига хос характеристикалари.

4. Схемани амалга оширишнинг ҳисобий муддатлари:

а) жорий ҳолати;

б) қурилишнинг биринчи навбати;

в) ҳисобий муддат.

5. Лойиҳа материалларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш жараёнида, қатнашувчиларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро мажбуриятлари.

6. Бошланғич маълумотлар рўйхати, улар ким ва қайси муддатларда лойиҳалаштирилиши учун берилиши кераклиги.

7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари, ҳудудни меъморий-режавий ва функционал ташкиллаштириш, транспорт хизматини ташкил этиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва муҳандислик ускуналаниш, атроф-муҳит, табиат, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларига қўйиладиган талаблар.

8. Лойиҳалаштириш объектини қўшимча, чуқурлаштирилган ёки ихтисослашган тарзда ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари (табiiй шароитлар, экологик, демографик вазият, ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт-муҳандислик инфратузилмаларининг ривож, тарихий-маданий мерос ва табiiй муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.ларнинг ўзига хос хусусиятлари)

9. Босқичма-босқич берилиши лозим бўлган материаллар ва хизматларнинг таркиби (агар улар кўзда тутилган бўлса). Қўшимча намойиш материаллари.

10. Лойиҳа (схема) таркиби ва мазмунига ҳамда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга қўйиладиган алоҳида талаблар, мазкур “Йўриқнома”дан четга чиқишлар (қўшимчалар ва ўзгартиришлар).

11. Даврларга бўлинган лойиҳалаштириш муддати.

12. Лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва экспертизадан ўтказиш тартиби.

Лойиҳа ташкилоти раҳбари

Лойиҳанинг бош архитектори

Буюртмачи

2-Илова

«КЕЛИШИЛГАН»

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

200__й. «__»__

200__й. «__»__

**_____ВИЛОЯТИНИНГ _____ ТУМАНИДАГИ АҲОЛИ
ПУНКТИНИНГ БОШ РЕЖАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТОПШИРИҒИ**

1. Лойиҳалаштирилаётган объектнинг номланиши _____

2. Ишлаб чиқиш учун асос _____

3. Лойиҳалаштириш объектнинг асосий тавсифи, шу жумладан:

- ҳудуди _____ минг гектар

- шаҳар (шаҳар агломерацияси) аҳолисининг сони _____ минг киши

4. Лойиҳани амалга оширишнинг ҳисобий муддатлари:

а) қурилишнинг биринчи навбати _____

б) ҳисобий муддат. _____

5. Лойиҳа материалларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш жараёнида қатнашувчиларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро мажбуриятлари.

6. Бошланғич маълумотлар рўйхати, улар ким ва қайси муддатларда лойиҳалаштририлиши учун берилиши кераклиги.

Буюртмачи томонидан лойиҳалаштириш ишлари бошлангунга қадар тақдим этиладиган бошланғич маълумотлар:

а) топографик материаллар;

б) муҳандислик-гелогия тадқиқотлар;

в) қуйидагилар бўйича бош режани ишлаб чиқиш бошланаётган пайтдаги бошланғич маълумотлар:

- шаҳар (қўрғон)нинг жорий чегараси, унинг ҳудуди.

- микрорайонлар (маҳаллалар) бўйича аҳолининг жорий жойлашуви.

- қаватлилиги ва мансублиги бўйича турар-жой фонди.

- аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг жорий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

- муҳандислик ускуналари билан таъминланганлик асосий кўрсаткичлари билан бирга;

- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш юзасидан маълумотлар

- саноат ва шаҳар ҳосил қилувчи бошқа ташкилотлар, аҳолининг ёш бўйича тузилиши, аҳолининг табиий ва механик ортиш суръати, эркин меҳнат захираларининг мавжудлиги бўйича маълумотлар.

- шаҳар (қўрғон) транспорти, фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, йўловчи транспорти йўналишлари, шаҳар торанспорти иншоотлари.

- кўча тармоғи, узунлиги ва кўчаларнинг тури бўйича ўлчамлари.

- умумий фойдаланувдаги кўкаламзорлар.

- спорт иншоотлари ва дам олиш муассасалари.
- табиий муҳитнинг (тупроқ, сув, ҳаво) жорий ҳолати.
- темир йўл транспорти.
- автомобил транспорти, унинг йўллардаги жадаллиги.
- ердан фойдаланувчилар қисмида шаҳарга туташ туманлар, қўшиладиган кўрғонлар аҳолисининг сони ва турар-жой фонди, транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик коммуникациялари.

г) институт ходимлари томонидан иш жараёнида йиғилиши зарур бўлган бошланғич маълумотлар;

7. Бош режада қуйидагилар бўйича таклифлар ишлаб чиқиши керак:

- а) меҳнат сарфланадиган жойларни жойлаштириш ва аҳолини жойлаштириш
- б) ҳудудни меъморий-режавий ва функционал ташкиллаштириш
- в) транспорт хизматини ташкил этиш
- г) ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш
- д) муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва муҳандислик ускуналаш
- е) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш
- ж) табиат, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш

3) фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар (шаҳар ҳокимиятининг алоҳида буюртмасига кўра бажарилади)

8. Лойиҳалаштириш объектининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари;

9. Босқичма-босқич берилиши зарур бўлган материаллар ва хизматлар таркиби (агар улар кўзда тутилган бўлса). Қўшимча намоиш материаллари.

10. Лойиҳа (схема) таркиби ва мазмунига ҳамда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга қўйиладиган алоҳида талаблар, мазкур “Йўриқнома”дан четга чиқишлар (қўшимчалар ва ўзгартиришлар).

11. Даврларга бўлинган лойиҳалаштириш муддати.

12. Лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва экспертизадан ўтказиш тартиби.

Лойиҳа ташкилоти раҳбари

Бош архитектор

Буюртмачи

“Қишлоқ хўжалик корхонаси (қишлоқ фуқаролар йиғини) ҳудудини режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш*

ТОПШИРИҒИ” ҳақидаги 3-илова ШНҚ 1.03.10-06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш-режалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”си муомалага киритилганлиги муносабати билан бекор қилинади.

«КЕЛИШИЛГАН»

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

200__й. «__»_____

200__й. «__»_____

***Батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш
ТОПШИРИҒИ**

1. Лойиҳалаштирилаётган объектнинг

номланиши: _____

2. Ишлаб _____ чиқиш _____

учун _____

асос: _____

3. Лойиҳалаштириш объектнинг асосий тавсиялари, шу жумладан:

- ҳудуди, _____ гектар, чегаралар (тавсифи).

- тарихий-маданий мерос ёдгорликларининг мавжудлиги _____ та.

- ўзга ўзига хос характеристикалари (рельеф, грунт ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятлари) _____

4. Лойиҳани амалга оширишнинг ҳисобий муддатлари:

а) қурилишнинг биринчи навбати _____

б) ҳисобий муддат _____

5. Лойиҳа материалларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш жараёнида қатнашувчиларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро мажбуриятлари.

6. Бошланғич маълумотлар рўйхати, улар ким ва қайси муддатларда лойиҳалаштририлиши учун берилиши кераклиги.

- _____ йилда тасдиқланган шаҳарнинг бош режаси

- _____ масштабдаги топографик материаллар

- буюртмачи томонидан бериладиган ёки буюртмачининг топшириғига биноан институт томонидан йиғиладиган материаллар _____

7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари, ҳудудни меъморий-режавий ва функционал ташкиллаштириш, транспорт хизматини ташкил этиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳудудни

муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва муҳандислик усқуналаш, атроф-муҳит, табиат, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларига қўйиладиган талаблар.

8. Лойиҳалаштириш объектини қўшимча, чуқурлаштирилган ёки ихтисослашган тарзда ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари (табиий шароитлар, экологик, демографик вазият, ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт-муҳандислик инфратузилмаларининг ривож, тарихий-маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.ларнинг ўзига хос хусусиятлари)

9. Босқичма-босқич берилиши лозим бўлган материаллар ва хизматларнинг таркиби (агар улар кўзда тутилган бўлса). Қўшимча намоёиш материаллари.

10. Лойиҳа (схема) таркиби ва мазмунига ҳамда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга қўйиладиган алоҳида талаблар, мазкур “Йўриқнома”дан четга чиқишлар (қўшимчалар ва ўзгартиришлар).

11. Даврларга бўлинган лойиҳалаштириш муддати _____

12. Лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва экспертизадан ўтказиш тартиби

Лойиҳа ташкилоти раҳбари

Лойиҳанинг бош архитектори

Буюртмачи

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

.....
200.....й. «.....».....

**Қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш
ТОПШИРИҒИ**

1. Қурилиш объектининг номланиши ва лойиҳалаштириш босқичи

2. Ишлаб чиқиш учун асос

3. Қурилишнинг ҳисобий даврлари

1 навбат

2 навбат

3 навбат

4. Лойиҳалаштириш учун асосий маълумотлар:

а) ҳудуди _____ гектар

б) умумий яшаш майдони _____ минг м² қаватлиларга ажратган

ҳолда:

- бир қаватли _____ минг м²

- икки қаватли _____ минг м²

- уч-тўрт қаватли _____ минг м²

- тўққиз қаватли ва ундан кўп _____ минг м²

ва биноларнинг конструктив типлари бўйича

е) Хизмат кўрсатувчи муассасалар рўйхати ва уларнинг қуввати:

.....

ж) Қурилиш қийматини жорий нархларда белгилаш учун кўрсаткичлар

Бош пудратчи _____

1. Лойиҳавий ечимлар вариантларини ишлаб чиқиш зарурати

.....

2. Намойиш материалларининг ҳажми

3. Топшириққа иловалар.....

- Участкани қуришга берилган меъморий-режавий топшириғи

(МРТ).....

- Тегишли хизматларнинг муҳандислик тармоқларига уланиш бўйича
техник шартлар

- ер участкасини ажратиш тўғрисидаги ҳокимият қарори:

4. Алоҳида талаблар.....

5. Лойиҳа материалларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш жараёнида
қатнашувчиларнинг таркиби ва уларнинг ўзаро мажбуриятлари

6. Лойиҳалаштириш муддатидан гача даврларга
ажратган ҳолда белгиланади.

Лойиҳа ташкилоти раҳбари

Лойиҳанинг бош архитектори

Буюртмачи

ЛОЙИХА ХУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемаси, Ҳудудларни режалаштириш схемалари, туман (туман гуруҳлари)ни режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларини режалаштириш ва уларда иморат қуриш лойиҳалари ва шаҳарсозлик лойиҳа ҳужжатларининг (қуйида - лойиҳа) ўзга турларига тегишли график материаллар қуйидаги талабларга мувофиқ равишда бажарилиши ва расмийлаштирилиши лозим:

а) лойиҳа таркибига кирувчи турли чизмаларда такрорланадиган бир хил элементларни тасвирлаш учун бир хил ранглар ва шартли белгиларни қўллаш лозим;

б) чизмалар топогеодезик таг асосни ёпиб қўймайдиган шаффоф бўёқлар ёрдамида бўялади;

в) лойиҳавий ечимларнинг график чизмаси уларнинг яққол кўринишини таъминлаши лозим.

2. Лойиҳаларнинг асосий тарҳлари қуйидаги мажбурий имзоларга эга бўлиши шарт: лойиҳа ташкилоти раҳбарининг, лойиҳа ташкилоти бош муҳандиси ва бош архитекторининг, тегишли бўлим ёки устахона раҳбари ва бош муҳандисининг, лойиҳа бош архитектори, бош муҳандиси ва муаллифларининг.

Қолган тарҳлар ва схемалар лойиҳа ташкилотларининг ички андозаларида белгиланган тартибда имзоланади.

3. 1:50000; 1:200000 и 1:300000 масштабдаги график материаллар лойиҳа ташкилоти томонидан бошқа масштаблардаги мавжуд топографик материалларни ўзгартириш ёки катталаштириш йўли билан тайёрланиши мумкин.

4. Компьютер технологияси бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳаларнинг график материаллари компьютер графикасида бажарилади, бунда унга юқорида баён этилган талаблар қўйилади.

Асосий тарҳлар GIS тизимидаги ягона геодезик асосда бажарилади. Ўзга тарҳлар ва схемалар очик картографик материалларда бажарилади.

График материалларни топографик хариталар ва режаларда (хариталар варақларида, геодезик таг асоснинг литография усулида босилган ёки РЭМ-нусхаларда) ишлаб чиқишга йўл қўйилади.

Бошқа тархлар (таянч режалар, бош режалар, режалаштириш ва қурилиш эскизлари) нусхаларида бажариладиган тархлар ва схемалар РЭМ-варақда ёки компьютер графикасида бажарилади.

Лойиҳалардаги барча чизмалардан 18x24 см дан кам бўлмаган ўлчамдаги рангли ёки оқ-қора нусхалар тайёрланади, улар тушунтириш хатига жойлаштирилади ёки алоҳида альбомга брошюра қилинади.

5. Лойиҳавий режалар (асосий тарх), ҳудуддан жорий фойдаланиш режалари (таянч режаси) планшетлар кийдирилган полотно ва ватманга ёпиштирилувчи топографик хариталар ёки уларнинг нусхаларида бажарилади.

Лойиҳалаштирилаётган ҳудудни туман тизимида жойлаштириш схемаси, қоидага кўра, очик картографик материалларда бажарилади.

6. Тушунтириш хатининг титул варағида лойиҳани бажарган ташкилот номи, унинг қайси идорага мансублиги, лойиҳанинг тўлиқ номи (унинг буюртмачи билан шартнома бўйича тегишли номланиши), тушунтириш хати жилдининг рақами, лойиҳани чиқариш йили, бир нусхаси кўрсатилади.

Тушунтириш хатларининг титул варақларида лойиҳа ташкилоти раҳбари, бош муҳандиси ва бош архитекторининг, лойиҳа ишлаб чиқилган бўлим (устахона) раҳбари ва бош муҳандисининг, лойиҳанинг бош архитектори, бош муҳандиси, зарур ҳолатда – бош иқтисодчисининг имзолари бўлиши керак.

Титул варағидан сўнг тушунтириш хатида қуйидагилар жойлаштирилиши лозим:

- умуамн лойиҳа ва алоҳида бўлимлар бўйича муаллифлик жамоаси ва масъул ижрочиларининг таркиби;
- лойиҳа таркиби (график ва матнли материаллар рўйхати);
- лойиҳага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;
- тушунтириш хатининг мазмуни.

Тушунтириш хатига қуйидагилар илова қилинади:

- лойиҳалаштиришга берилган топшириқ ва лойиҳани дастлабки кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳужжатлар.

7. Буклама планшетларда бажарилган асосий график материаллар буюртмачига бир нусхада тақдим этилади;

РЭМ-варақда ёки компьютер графикасида қоғозда бажарилган чизмалар ва схемалар, тушунтириш хати, смета ҳужжатлари ва асосий қоидалар икки нусхада тақдим этилади.

8. Бош режа (асосий тарх), мавжуд аҳоли пунктининг режаси (таянч режа) ва қурилишнинг биринчи навбатини яқин 5-7 йилга жойлаштириш лойиҳаси асл нусхадаги чизмаларининг дубликатлари, шунингдек тушунтириш хати

ҳамда лойиҳанинг асосий қоидалари ва чизмаларининг дубликатлари алоҳида буюртма бўйича (қўшимча тўлов билан) бир ёки бир нечта нусхада тайёрланиши мумкин.

Чизмалар ва хатларнинг дубликатларида идоранинг номи, тасдиқлангани ва тасдиқланганлик тўғрисидаги қарор рақами кўрсатилади.

9. Лойиҳа тасдиқланганидан кейин ушбу ишларнинг буюртмачиси, “Давархитектқурилиш” қўмитаси билан келишган ҳолда буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича манфаатдор ташкилотларни таъминлаш мақсадида шаҳарсозлик ҳужжатларининг асосий қоидаларини нашр этиш тўғрисида лойиҳа ташкилоти билан қўшимча мажбурий шартномани тузади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА АҲОЛИНИ
ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ БОШ СХЕМАСИ**

№	График ва матнли материаллар номи	График материаллар масштаби
1	Геосиёсий жойлашуви ва маъмурий-худудий тузилиши схемаси	1 : 4 000 000
2	Аҳолини жойлаштиришнинг режалаштириш бўйича ташкиллашуви (мавжуд ҳолат)	1 : 500 000
3	Аҳолини жойлаштиришнинг режалаштириш бўйича ташкиллашуви (лойиҳа)	1 : 500 000
4	Табиий захиралар ва улардан фойдаланиш	1 : 1 000 000
5	Аҳолини жойлаштиришнинг табиий-экологик шароитлари	1 : 1 000 000
6	Худуддан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш	1 : 1 000 000
7	Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг зичлигини тақсимлаш	1 : 1 000 000
8	Комплекс муаммоли ареаллар	1 : 1 000 000
9	Аҳолини жойлаштиришнинг худудий-шаҳарсозлик салоҳияти	1 : 1 000 000
10	Транспорт инфратузилмаси	1 : 1 000 000
11	Техник-муҳандислик инфратузилмаси	1 : 1 000 000
12	Аҳолини жойлаштиришни шаҳарсозлик бўйича ривожлантиришнинг тузилмавий модели	1 : 1 000 000
13	Чегара яқинидаги туманларда аҳолини жойлаштиришни ташкил этиш	1 : 1 000 000
14	Лойиҳавий ечимларни асословчи ва деталлаштирувчи ёрдамчи материаллар мажмуи	ихтиёрий
15	Тушунтириш хати	
16	Асосий қоидалар ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар	

Изоҳлар:

Юқорида санаб ўтилган асосий материалларга қўшимча равишда Аҳолини жойлаштириш бош схемасининг лойиҳавий ечимларини асослаб берувчи материаллар мажмуи бажарилади.

График материалларнинг масштаби бўлим бўйича тўлиқ маълумотни тақдим этиш талабларига мувофиқ белгиланади.

Қўшимча равишда лойиҳавий ечимларни намойиш этувчи ва деталлаштирувчи схемалар ва бошқа материаллар бажарилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ
СХЕМАСИ**

№	Бўлимлар номи	График материаллар масштаби
1	Жорий фойдаланиш ва функционал зоналаштириш схемаси	1:1 000 000
2	Худудни комплекс баҳолаш схемаси	1:1 000 000
3	Худудни иқтисодий баҳолаш схемаси	1:1 000 000
4	Худудни лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштириш концепцияси	1:1 000 000
5	Худудни ҳисобий муддатга лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштириш схемаси	1: 500 000
6	Худудни 10 (25) йиллик ўрта муддатли даврга лойиҳавий ташкиллаштириш ва функционал зоналаштириш схемаси	1: 500 000
7	Функционал зоналар худудидан фойдаланиш режимларининг оралиқ даврларга мўлжалланган схемаси	1:1 000 000
8	Худудни муҳандислик бўйича таъминлаш схемаси	1: 500 000
9	Транспортни ташкиллаштириш схемаси	1: 500 000
10	Тушунтириш хати	
11	Асосий қоидалар ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар	
12	Асословчи, намойиш этувчи ва деталлаштирувчи материаллар ва схемалар	ихтиёрий

Изоҳ:

Асословчи, намойиш этувчи ва деталлаштирувчи схемалар ва материаллар қўшимча равишда ихтиёрий масштаб (И/М) ва ҳажмда бажарилади, жумладан:

- экзоген геологик жараёнлар ва сейсмиклик;
- жолрий ифлосланиш ва табиий муҳитнинг бузилиши;
- устки қатламлардаги сув захиралари;
- ер ости сувлари захиралари;
- ўрмон захиралари;
- минерал-хомашё захиралари;
- худуддан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш;
- табиий-қишлоқ хўжалик салоҳияти;
- энергия таъминоти шароитлари ва захиралари;
- қишлоқ жойларида аҳолини жойлаштириш шароитлари;
- маъмурий-худудий тузилиши;
- иқлими бўйича зоналаштириш.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ (МАЪМУРИЙ ВИЛОЯТ)
ХУДУДИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ СХЕМАСИ**

№	Бўлим номи	График материаллар масштаби
1	Қорақалпоғистон Республикаси (вилоятлар)нинг республикадаги жойлашуви схемаси	1:1000000
2	Худудни комплекс баҳолаш схемаси	1: 100 000 1: 200 000
3	Худуддан жорий фойдаланиш ва уни функционал-режалаштириш бўйича ташкиллаштириш	1:100000 1:200000
4	Худудни лойиҳавий меъморий-режавий ва ижтимоий ташкиллаштириш	1:100000 1:200000
5	Транспорт инфратузилмаси	1:100000 1:200000
6	Худудни муҳандислик ускуналаш	1:100000
7	Худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси	1:100000 1:200000
8	Худуднинг экологик ҳолати, жорий жойлашуви ва прогнози схемаси	1:100000 1:200000
9	Табиат ва маданий мерос ёдгорликларининг жойлашиш схемаси	1:200000
10	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар схемаси	1:1000000 1:500000
11	Тушунтириш хати	
12	Асосий қоидалар ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар	
13	Асосий лойиҳавий ечимларни кўрсатган ҳолда (асосий қоидалар учун) лойиҳавий режанинг схемали чизмаси	Ихтиёрий

Изоҳлар:

1. Муҳандислик ускуналаш схемасини алоҳида тармоқли схемалар кўринишида бажаришга йўл қўйилади;

2. Қўшимча равишда лойиҳавий ечимни асословчи, намоиш этувчи ва деталлаштирувчи схемалар ва материаллар бажарилиши мумкин;

3. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий вилоятларининг худуди катталиги туфайли худуддан замонавий фойдаланиш ҳамда лойиҳавий режани суғориладиган зоналар учун М 1:100000 да, бутун худуд учун эса М 1:300000 да бажариш тавсия этилади

**ТУМАН (ТУМАНЛАР ГУРУҲИ)НИ РЕЖАЛАШТИРИШ
ЛОЙИҲАСИ**

№	Бўлимлар номи	График материаллар масштаби	
		Бир туман учун РЛ	Туманлар гуруҳи учун РЛ
1	Туман ёки туманлар гуруҳининг вилоятдаги жойлашув схемаси	1:200 000	1:200 000
2	Ҳудудан жорий фойдаланиш ва уни функционал-режалаштириш бўйича ташкиллаштириш	1:25 000 1:50 000	1:25 000 1:50 000
3	Ҳудудни комплекс баҳолаш схемаси	1:50 000	1:100 000
4	Ҳудудни лойиҳавий ташкиллаштириш	1:25 000 1:50 000	1:25 000 1:50 000
5	Аҳолини жойлаштириш ва транспорт инфратузилмаси	1:25 000 1:50 000	1:25 000 1:50 000
6	Ҳудудларни муҳандислик ускуналаш	1:25 000 1:50 000	1:25 000 1:50 000
7	Муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси	1:25 000	1:50 000
8	Табиат ва маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар схемаси	1:50 000	1:50 000
9	Лойиҳавий режанинг схемали чизмаси (асосий қоидалар учун)	Произвольный	Произвольный
10	Фукаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари схемаси	1:100000 1:85000	1:500000 1:100000
11	Тушунтириш хати		
12	Лойиҳанинг асосий қоидалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари		

ШНҚ 1.03.10-06 “Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларини ташкил қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳудудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш бўйича лойиҳалаш-режалаштириш ҳужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” кучга кириши муносабати билан 11-Илова чиқариб ташланди.

**ШАҲАР АГЛОМЕРАЦИЯСИ ХУДУДИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ
ЛОЙИҲАСИ**

№	График материаллар номи	График материаллар масштаби
1	Шаҳар агломерациясининг вилоятда аҳолини жойлаштириш тизимидаги жойлашуви	1:200 000
2	Худуддан жорий фойдаланиш	1:50 000 1:25 000
3	Худудни комплекс баҳолаш схемаси	1:50 000 1:25 000
4	Худудни лойиҳавий ташкиллаштириш	1:50 000 1:25 000
5	Экологик ҳолат ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш схемаси	1:50 000 1:25 000
6	Транспорт ва ижтимоий-маиший хизматни ташкиллаштириш схемаси	1:50 000 1:25 000
7	Худудни муҳандислик ускуналаш ва муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси	1:50 000 1:25 000
8	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларининг схемаси	
9	Тушунтириш хати	
10	Лойиҳанинг асосий қоидалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари	

Изоҳ: Қўшимча равишда лойиҳавий ечимларни асословчи, намоиш этувчи ва деталлаштирувчи схемалар бажарилиши мумкин.

**БОШ РЕЖАНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ
(ИККИ БОСҚИЧЛИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШДА)**

№	График ва матнли материаллар номи	График материаллар масштаби
1	Шаҳарнинг вилоят ёки туман аҳолисини жойлаштириш тизимидаги жойлашуви схемаси	1:200 000 1:100 000 1:50 000
2	Шаҳарнинг мавжуд ҳолати бўйича таҳлил (таянч режаси)	1:25 000 1:10 000
3	Режалаштириш бўйича чекловлар схемаси	1:25 000 1:10 000
4	Атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолати схемаси ва атроф-муҳитга таъсир қилиш талабномаси	1:25 000 1: 10 000
5	Худудни шаҳарсозлик қиймати бўйича зоналаштириш схемаси	1:25 000 1:10 000
7	Шаҳарни ҳудудий ривожлантириш вариантлари. Вариантларнинг баҳоланиши	1:50 000 1:25 000 1:10 000
8	Бош режа схемаси (асосий тарҳ)	1:25 000 1:10 000
9	Транспорт инфратузилмаси	1:50 000 1:25 000 1:10 000
10	Муҳандислик ускуналаш схемаси	1:25 000 1:10 000
11	Худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси	1:25 000 1: 10 000
12	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирларининг схемаси	1:25 000 1:10 000
13	Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар берилган тушунтириш хати	

Изоҳлар:

1. ТИАни ишлаб чиқишда, буюртмачининг талаби билан аҳолисининг сони кам бўлган шаҳарлар учун схемалар масштаби таянч режасининг асосий тарҳи учун катталаштирилиши, атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолатини баҳолаш схемаси 1:10000 гача етказилиши, шаҳар ва ташқи транспорт магистраллари схемаси эса асосий тарҳ билан бирга бажарилиши мумкин;

2. “Шаҳарнинг аҳолини жойлаштириш тизимидаги жойлашуви схемаси” тарҳидаги чегаралар шаҳарнинг аҳамияти билан белгиланади. Аҳоли яшаш жойларининг гуруҳли тизимларини (АЯЖГТ) маркази ҳисобланган аҳоли пункти учун унинг чегаралари аниқланади; аҳолини жойлаштириш бўйича маҳаллий тизим маркази ва бошқа шаҳарлар ҳамда кишлоқ кўрғонлари учун бу кишлоқ маъмурий тумани чегаралари ҳисобланади;

3. Ушбу бўлим техник-иқтисодий асослаш босқичида бажарилади.

БОШ РЕЖА (ИККИ БОСҚИЧЛИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА)

№	Бўлимлар номи	Аҳоли, минг киши.		
		500 дан зиёд	250-500	100-250*
1	Шаҳарнинг вилоят ёки туман аҳолисини жойлаштириш тизимидаги жойлашуви схемаси	ТИА материалларидан олинади		
2	Мавжуд шаҳар режаси (таянч режаси), янги шаҳарлар учун – ҳудуддан замонавий фойдаланиш режаси	1:10000	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000
3	Режалаштириш бўйича чекловлар ва атроф-муҳит бўйича мавжуд ҳолатни баҳолаш схемаси	ТИА материалларидан олинади		
4	Ҳудудни комплекс шаҳарсозлик иқтисодий баҳолаш схемаси	ТИА материалларидан олинади		
5	Бош режа (асосий тарх)	1:10000	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000
6	Қурилишни биринчи навбатга жойлаштириш схемаси	1:10000	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000
7	Марказнинг ҳажмли-маконли композицияси макети (эскизи)	1:5000	1:5000 1:2000	1:5000 1:2000
8	Шаҳар ва ташқи транспорт магистраллари схемаси	1:10000	1:10000	1:10000 1:5000
9	Мухандислик ускуналаш схемаси	1:10000	1:10000	1:10000 1:5000
10	Ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси	1:10000	1:10000	1:10000 1:5000
11	АМТБ (атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш) лойиҳаси			
12	Бош режанинг схемали чизмаси	Ихтиёрий масштабда		
13	Қизил чизиқларнинг режавий чизмаси			
14	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар	ТИА босқичида		
15	Умумлашма тушунтириш хати			
16	Техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бош режанинг асосий қоидалари			
	Жами			

Изоҳлар: 1*. Ушбу тоифадаги шаҳарлар учун бош режалар буюртмачининг хоҳишига кўра икки босқичда ишлаб чиқилади;

2. Маданий мерос объектларига эга шаҳарлар учун 1:10000 – 1:5000 масштабдаги таянч тарихий-архитектура режаси иўлаб чиқилиши лозим;

3. Саноат ва коммунал-омбор ҳудудларининг режалаштириш бўйича ташкиллаштириш схемаси бош режа билан биргаликда бажарилади. Алоҳида мураккаб вазиятларда ушбу тушунтириш хатига эга схема “Давархитектқурилиш” кўмитаси билан келишув бўйича ихтисослашган лойиҳа ташкилотини жалб этган ҳолда алоҳида бажарилади;

4. Муҳандислик ускуналаш схемасини, унда ахборот жуда кўп бўлган тақдирда, бир нечта алоҳида схемалар кўринишида бажаришга йўл қўйилади;

5. Биринчи навбат қурилиши ҳажмлари катта бўлмаганида, қурилишни биринчи навбатга жойлаштириш схемаси алоҳида чизма кўринишида бажарилмайди, балки қурилишнинг навбати бош режада кўрсатилади;

6. Қишлоқ аҳоли пунктлари учун қишлоқ хўжалик корхонаси ёки қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини режалаштириш режаси М 1:25000 да бажарилиши керак.

7. Маданий мерос объектларига эга шаҳар ва қўрғонлар учун М 1:10000 – 1:2000 даги таянч тарихий-архитектура режаси бажарилиши лозим;

8. Саноат ва коммунал-омбор ҳудудларини режалаштириш бўйича ташкиллаштириш схемаси бош режа билан бирга қўшилади ва алоҳида схема тарзида бажарилмайди.

15-Илова*

БОШ РЕЖА (БИР БОСҚИЧЛИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШДА)

№	Бўлимлар номи	Аҳоли, минг киши				
		250-500	100-250	50-100	20-50	Менее 20
1	Шаҳарнинг вилоят ёки туман аҳолини жойлаштириш тизимидаги жойлашуви схемаси	1:100000	1:100000 1:50000	1:50000 1:100000	1:50000 1:25000	1:50000 1:25000
2	Таянч режаси, янги шаҳарлар учун – ҳудуддан замонавий фойдаланиш режаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	1:2000
3	Режалаштириш бўйича чекловлар ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолатини баҳолаш схемаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	1:2000
4	Ҳудудни комплекс шаҳарсозлик иқтисодий баҳолаш схемаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	1:2000
5	Бош режа (асосий тарх)	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	-
5а	Марказнинг БРЛ билан қўшилган бош режаси, шу жумладан қизил чизиқларнинг режавий чизмаси	-	-	-	-	1:2000
6	Қурилишни биринчи навбатга жойлаштириш схемаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	*
7	Марказнинг ҳажмли-маконли композицияси макети (эскизи)	1:2000 1:1000	1:2000 1:1000	1:2000 1:1000	1:2000 1:1000	1:2000 1:1000
8	Шаҳар ва ташқи транспорт магистралларининг схемаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000		1:2000
9* **	Муҳандислик ускуналаш схемаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	1:2000
10	Ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000	1:5000	1:2000
11	Атроф-муҳит муҳофазаси. АМТБ (атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш) лойиҳаси	ИМ	ИМ	ИМ	ИМ	ИМ
12	Бош режанинг схемали чизмаси	Ихтиёрий масштабда				
13	Қизил чизиқларнинг режавий чизмаси	-	-	-	-	1:2000
14 **	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар		1:10000	1:10000 1:5000	1:10000 1:5000	1:5000 1:2000
15	Тушунтириш хати					
16	Бош режанинг асосий қоидалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари					

Изоҳлар: *- фақат янги шаҳарлар учун;

**.- Ушбу бўлим тоифалаштирилган шаҳарларнинг бош режалари учун бажарилади. Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлари бўлими фуқаролик ҳимояси бўйича зарур тадбирларнинг бутун мажмуини ўз ичига олади. Тоифалаштирилмаган

шаҳарлар, шаҳар кўрғонлари ёки қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари учун ушбу бўлим ФВВ (ФВБ)нинг тегишли органи билан келишган ҳолда буюртмачининг топшириғига биноан бажарилади.

*** Бир чизмада муҳандислик коммуникациялари схемаси тўлган тақдирда, мустақил ёки бирлаштирилган схемаларни бажаришга йўл қўйилади.

*16-Илова**

БАТАФСИЛ РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

№	Бўлимлар номи	График материаллар масштаби
1	Лойиҳалаштирилаётган районни аҳоли пункти режасига жойлаштириш схемаси	1:10000-1:25000
2	Таянч режаси (худуддан замонавий фойдаланиш режаси)	1:2000-1:1000
3	Қизил чизиклар режаси берилган қурилиш эскизи (асосий тарҳ)	1:2000-1:1000
4	Қизил чизикларнинг режавий чизмаси	1:2000-1:1000
5	Транспорт ва пиёдалар ҳаракатини ташкиллаштириш схемаси	1:2000-1:1000
6	Магистраль муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини жойлаштириш ҳамда ер ости майдонидан фойдаланиш схемаси	1:2000-1:1000
7	Худудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва вертикал режалаштириш схемаси	1:2000-1:1000
8	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар схемаси	
9	Атроф-муҳит муҳофазаси (атроф-муҳитга таъсир талабномасининг лойиҳаси)	ИМ
10	Кўчаларнинг кўндаланг профиллари	1:200-1:100
11	Тушунтириш хати	
12	Лойиҳанинг асосий қоидалари ва техник-иктисодий кўрсаткичлари	

Изоҳлар:

1. Таянч режаси (худуддан замонавий фойдаланиш режаси) ва қурилиш эскизи топографик режада бажарилади; лойиҳалаштирилаётган районни жойлаштириш схемаси аҳоли пунктининг бош режаси нусхасида бажарилади; қолган чизмалар БРЛнинг асосий чизмаси нусхаларида бажарилади;

2. Кўшимча намоиш материаллари (қурилишнинг режалаштириш тузилмаси, уни зоналаштириш ва ҳажмли-маконли композицияси ғоясини тўлиқ очиб беришга кўмаклашувчи ёйма ҳолатлар, панорамалар, истиқболлар ва ҳ.к.) буюртмачи билан келишган ҳолда ва унинг ҳисобига ихтиёрий масштабда бажарилиши мумкин;

3. Аҳоли жойларининг қурилган қисмидаги кўчалар ва майдонларнинг режа тузиш (разбивочном) чизмасида қизил чизикларнинг таянч қурилишга боғланган жойи кўрсатилади, қурилмаган ҳудудларда эса қизил чизиклар координатаси ҳисоблаб чиқилади;

4. Ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш ва вертикал режалаштириш схемаси тўлиб кетганида иккита мустақил схема бажарилишига йўл қўйилади – ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси ва вертикал режалаштириш схемаси.

*17-Илова**

ИККИ БОСҚИЧЛИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДАГИ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ

А.. «ЛОЙИҲА» БОСҚИЧИ

№	Бўлимлар номи	График материаллар масштаби
1	Вазиятли режа	1:10000 1: 5000
2	Бош режа	1:500 1:1000
3	Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш схемаси, кичик шакллар	1:500 1:1000
4	Муҳандислик ускуналаш	1:500 1:1000
5	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар	1:500 1:1000
6	Тураржой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотлар лоийҳаларининг боғланиши	1:500
7	Қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси	1:500
8	Смета ҳужжатлари	1:500
9	Атроф-муҳит муҳофазаси, (атроф-муҳитга таъсир талабномасининг лойиҳаси)	
10	Тушунтириш хати	

Б. «ИШЧИ ҲУЖЖАТЛАР» БОСҚИЧИ

№	Бўлимлар номи	График материаллар масштаби
1	Бинолар, иншоотлар, тор кўчаларнинг режавий чизмаси. Тушунтириш хати	1:500
2	Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш схемаси, кичик шакллар	1:500
3	Мухандислик ускуналаш ва мухандислик ускуналашни комплекс бошқариш	1:500
4	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-мухандислик тадбирлар	М 1:500
5	Тураржой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотлар лойиҳаларининг боғланиши	1:100
6	Смета ҳужжатлари	
7	Тушунтириш хати	

БИР БОСҚИЧЛИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ «ИШЧИ ЛОЙИҲА» БОСҚИЧИ

№	Бўлимлар номланиши	График материаллар масштаби
1	Вазиятли режа	1:10000 – 1:5000
2	Бош режа	1:500
3	Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш схемаси, кичик шакллар	1:500
4	Мухандислик ускуналаш	1:500
5	Фуқаролик ҳимояси бўйича техник-мухандислик тадбирлари	М 1:500
6	Тураржой ва жамоат бинолари ҳамда иншоотлар лойиҳаларининг боғланиши	1:500
7	Қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси	1:500
8	Смета ҳужжатлари	
9	Атроф-муҳит муҳофазаси, (атроф-муҳитга таъсир талабномасининг лойиҳаси)	
10	Тушунтириш хати	

Изоҳлар*:

1. Алоҳида ҳолатларда техник ечимни асослаш ва қурилишнинг смета қийматини аниқлаш учун қўшимча лойиҳа материаллари лойиҳалаштиришга берилган топшириқда кўрсатилган ҳажмда бажарилиши мумкин, шу жумладан зарур ҳолатларда ер ости муҳандислик тармоқларининг умумлашма режаси бажарилади;

2. Қурилишнинг бош режаси топографик режада бажарилади; ер тўшамалари режаси, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш режаси, рельефни ташкиллаштириш схемаси ва сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, ташқи ёритиш тармоқлари, телефонлаштириш, радиолаштириш ва телевидение схемалари қурилиш бош режаси нусхаларида бажарилади;

3. Реконструкция қилинадиган микрорайонлар ёки мавзелардаги қурилишлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда график материаллар таркибига қўшимча равишда қуйидагилар киритилади:

